

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Шарқ Филологияси ва тарих факультети
Марказий Осиё Халқлари Тарихи кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

Саматова Лола Юсуповна

**ОЛТОЙ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИНИНГ АРХЕОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

5220200 – ТАРИХ

Илмий раҳбар: стажёр-тадқиқотчи Жўраев Шерзод

Тошкент – 2011

Кириш.....	3-10
I боб. Олтой халқларининг тарихи ҳақида қисқача маълумот.....	11-43
1.1. Олтой кишилиқ маданияти тарихи (палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза).....	11-18
1.2. Ўрта асрларда Олтой (Уйғур хонлиги, Киданлар, Найманлар, Мўғуллар даврида).....	18-28
1.3. Олтой Рус давлати таркибида.....	28-43
II боб. Олтой тарихшунослиги.....	44-72
2.1. Олтой тарихи, археологияси ва этнографиясининг ўрганилиши ҳақида қисқача қайдлар.....	44-65
2.2. Совет даври ва Ғарб олимларининг Олтой тарихшунослигидаги фаолиятлари.....	66-72
Хулоса.....	73-74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75-76

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Тарих бугун ва келажакнинг кўзгуси. Мустақиллик шароитида буюк келажак сари интилаётган халқимизнинг ўз ўтмишига, маданий-маънавий меросига қизиқиши ортиб бормоқда. Бинобарин, ўз тарихини билиш, ундан фахрланиш маънавий баркамолликнинг энг зарур шартидир. Шу маънода мустақиллик даврида нафақат тарихимизнинг кам ўрганилган, Совет даврида бузиб кўрсатилган, камситилган саҳифаларни, балки Марказий Осиё халқларининг оз ўрганилган тарихини далиллар асосида ҳолисона ўрганиш ўз долзарблигини йўқотмади.

Бугунги кунда Олтой ўлкаси ва унинг халқи тўғрисида умумий маълумотлар мавжуд бўлса ҳам, аммо унинг археологияси, этнографияси ҳамда тарихшунослиги масаласи у қадар чуқур ўрганилмаган. Шунингдек, Олтой ўлкасининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётини ўрганиш долзарб масалалардан биридир. Зеро, Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари сингари Олтой ўлкаси ҳам бой тарих ва маданиятига эга бўлиб, уларни тўлиқ ёритиш учун бир қатор изланишлар ҳамда тадқиқотлар талаб этилади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Буюк Октябр социалистик инқилобига қадар олтойликлар тарихини ўрганиш йўлида деярли ҳеч бир иш олиб борилмаган. Олтой тарихини тузиш учун тарихий материалларнинг камлиги ҳамда уларнинг олдинги олимларга маълум бўлмаганлигидан олтойликлар тарихини ўрганишга бўлган интилиш мавжуд бўлмаган. Л.П.Потапов бундай уринишлар қаторига Г.Н.Потанин муаллифидаги олтойликларнинг XVIII асрдаги ҳаётига бағишланган «К.Риттернинг «Осиёнинг ершунослиги»га қўшимчалар» асарини киритишни эп кўрмади. Шунингдек, В.В.Радлов¹ ва С.П.Швецовнинг² ишларидаги тарихий маълумотлар ҳам жуда қисқа. Бир сўз

¹ W.Radloff. Aus Sibirien, Bd. I, II. Leipzig, 1884.

² Швецов С.П. Горный Алтай и его население, т. I. Барнаул, 1900.

билан айтганда олтойликлар тарихи инқилобгача бўлган даврда ўрганилмаган.

XVIII асрнинг 70-йилларига келиб Фанлар Академиясининг Сибир халқларини ўрганиш жараёни янгиланди. 1768-йилдан Россия ва айниқса Сибирни ўрганиш бўйича янги академик экспедиция ўз фаолиятини бошлади. Мазкур экспедициянинг бошида П.Паллас турган бўлиб, унинг йирик иштирокчиларидан академиклар Фальк³, Георги⁴ ва Паллас⁵ Олтой учун қимматли маълумотлар қолдиришди.

Олтой бўйлаб XIX асрнинг 20-30-йилларида саёҳат қилган ботаниклар Ледебур⁶ ва Бунге⁷ (1826) ҳамда геолог Гельмерсен⁸ (1834) олтойликларнинг этнографик ўрганилишини бошлашган. Бунге фақат бой олтойликларнинг турмушини таърифлаш билан чекланмасдан, камбағал қатламнинг турмуши - чорвадорлар ва овчилар, уларнинг хўжалиги ҳам унинг эътиборидан четда қолмайди. Бунгедаги кўплаб мулоҳазалар олтойликларнинг эътиқодлари билан боғлиқ, яъни унда шаман, шаман чилдирмаси, қурбонликлари ва хоказолар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари мавжуд. Гельмерсеннинг 1840-йил рус тилида таржимаси чиққан «Телецк кўли ва телеутлар» асарини ҳам этнографик иш деб ҳисобласа бўлади.

³ Записки путешествия акад. Фалька. Полное собрание ученых путешествий по России, изданное Акад. Наук, т. VI. СПб., 1824.

⁴ Георги И. Описание обитающих в Российском государстве народов.

⁵ Паллас П.П. Путешествие по разным провинциям Российского государства, ч. III. СПб., 1788, стр. 489.

⁶ K.F. Ledebour. Reise durch das Altai-Gebirge und die songgarische kirgisen Steppe im Jahre 1826 unternommen in Begleitung der Herren D.K. A Meher und D.A. von Bunge, Th. I, Berlin, 1829.

⁷ A. Bunge. Reise im östlichen Theil des Altai-Gebirges. Berlin, 1830.

⁸ J. Helmersen. Reise nach dem Altai im Jahre 1834. Beiträge zur Kenntnis des Russischen Reiches und der angrenzenden Länder Asiens, Bd. 14, 1848.

Бу даврда олим ва саёхатчи Григорий Спасскийнинг⁹ иккита иши нашрдан чиққан бўлиб, мазкур мақолалардан биринчиси олтойликлар бўйича биринчи этнографик иш ҳисобланади. Унда у телеутларнинг келиб чиқиши, ташқи кўриниши ва урф-одатлари, турар жойлари, кийими, озиқ-овқати, касб-хунарлари, аёлларининг машғулоти тўғрисида ёзади. Шу қаторда у телеутларнинг ташкил этилиши, уларнинг эътиқоди, ижтимоий ҳаёти, тўй маросимлари, ажрашиш ҳолатларни кўриб чиқади. Кундалик шаклида берилган иккинчи ишида ҳам Г.Спасский кўплаб этнографик маълумотлар келтириб ўтади. Бу ерда олтойликларнинг машғулоти, маконлари, озиқ-овқатлари, мусиқа асбоблари, дини ва бошқалар тўғрисида гапириб ўтилади.

Шунингдек, олтойликларнинг этнографик жиҳатдан ўрганилишида Ледебур, Бунге ва Гельмерсен, Г.Спасский билан бирга XIX асрнинг 30-йилларида олтойликларни этнографик жиҳатдан ўрганган бий ижрочиси Гороховни ҳам қўшиш мумкин. Унинг «Бий ёки Олтой қалмиқларининг қисқача тавсифи» номли қайдлари XIX асрнинг биринчи чораги учун олтойликларни ўрганишда қимматли мақолани ўз ичига олади. Бу мақолада олтойликларнинг маъмурий бўлиниши ва бошқаруви, моддий маданияти ва хўжалиги, айниқса оилавий муносабатлар, боланинг туғилиши ва тарбияси, халқ ўйинлари, турли диний анъаналари борасида муҳим маълумотлар бериб ўтади.

Олтойнинг туркийзабон қабилалар этнографиясининг биринчи тадқиқотчиси, олтойликларни илмий ўрганиш, тили ва уларнинг оғзаки адабиёти бўйича ташаббускорларидан бири миссионер В.Вербицкий¹⁰ Олтойнинг турли қабилаларини тили ва турмушини чуқур ўрганиб, 1870-йилда мазкур мақолалар тўпламини умумий «Олтойликлар» номи остида нашрдан чиқарган. Айнан шу тўплами унинг «Олтой халқлари» номли иккинчи тўпламига асос бўлди. Бу эса В.Вербицкийга этнограф сифатида ҳам

⁹ Гр. Спасский. Телеуты и белые калмыки. Сиб. вестник, ч. XIII и XIV, 1821.

¹⁰ Вербицкий В. Алтайские инородцы. Сборник этнографических статей и исследований. М., 1893.

машхурлик келтирди. Вербицкий биринчи бўлиб илм-фанга Олтой кабиласини уларнинг тили, маданияти ҳамда турмушига қараб шимолий ва жанубийга тақсимлашнинг тўғри ҳамда зарур йўлини киритди. В.Вербицкий дастлаб олтойликларнинг эътиқодини таърифлаб берган, уларнинг матнлари парчаларини босиб чиқарган, ўз ишини олтойликлар атамалари билан бойитган, халқ ижодиёти намуналарини тўплаб, нашрдан чиқарган.

1860-йил ёзида таниқли турколог ва академик В.В.Радлов Сем, Урсула, Катунни ва Чу дарёлари ҳавзалари бўйидаги олтойликларни ўрганиб чиқди. Радловнинг илмий саёҳати натижалари унинг «Aus Sibirien» китобида келтирилган бўлиб, биринчи томида «Шимолий Олтой татарлари» ва «Олтой татарлари»нинг уруғдошлик таркиби ҳамда умумий характеристикасидан ташқари чорвачилик ҳудудидаги олтойликлар - «олтойнинг тоғли қалмиқлари»нинг этнографик тавсифи батафсил баён этилган. Мазкур томда у телеутлар, шорцлар, Лебеден татарлари (челканлар), кумандинлар ва қора татарлар(тубаларлар)нинг ҳаёти ҳамда турмуш тарзини эътироф этган ҳолда 1861-йилдаги саёҳат кундаликларини ёзиб боради. Китобининг иккинчи томида эса Радлов юқорида қайд этиб ўтилган ўзининг археологик тадқиқотлари натижаларидан ташқари фақат немис тилида кўплаб шаман қарғишларининг матнларини келтириб, «шаманлик»га таъриф бериб ўтади.

Кўриб ўтилаётган даврда Олтойнинг этнографик ўрганилиши соҳасида Сибир вилоятидан машхур саёҳатчилар ва олимлар – Г.Н.Потанин¹¹ ҳамда Н.М.Ядринцев¹²ларнинг хизматлари катта бўлган. Уларнинг саёҳат-ҳаракатлари натижасида олтойликларнинг этнографияси 70-80-йилларда энг юқори даражага кўтарилган эди. Олтойликлар масаласида сўнгги маълумотлар айниқса Н.М.Ядринцев ишида кузатилади. У олтойликларнинг нафақат турмушидаги алоҳида шакллари кўрсатиб ўтади, балки илк

¹¹ Потанин Г.Н. Очерки северо-западной Монголии. СПб, 1881-1883, 425 стр.

¹² Ядринцев Н.М. Об алтайцах и черневых татарах. Изв. Русск. Географ. общ., т. XVII, 1881, 254 стр.

шаклланиш, ривожланиш ва ўтиш босқичларини айтиб ўтади. Бу ерда Олтой кабиласининг маданиятини ўрганишда тарихий ёндашув талаб этилиб, унинг эволюциясини қайд этиш мақсадида Ядринцев биринчилардан бўлиб олтойликлар маданиятининг илк элементларини илмий жиҳатдан тавсифлаб берган.

А.В.Адрианов¹³ эса 80-йилларда асосан шорцлар ҳамда челканлар тўғрисида бир қатор янги ва қимматли этнографик маълумотларни нашр этган. Аммо С.П.Швецов¹⁴нинг тадқиқотлари кўпроқ аҳамиятга эгадир. Чунки у 1897-йили олтойликларни ўрганиш статистик-иқтисодий экспедициясини эълон қилиб, бу ишида олтойликларнинг кўчманчи бўлиб яшаётганларини исботлашга ҳаракат қилган.

Рус олимларининг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилган бундай аниқ этнографик кузатувлари ҳамда тадқиқотлари олтойликларни ўрганишда фанга катта хизмат қилган. Улар моҳиятан олтойликлар тарихи ва уларнинг маданиятини ўрганиш учун қимматли манба бўлиб хизмат қилди. Олтойнинг тарихийлик жиҳатидан ўрганилганлиги Ўрта Осиё шарқий қисмининг маданияти тарихига аҳамиятга молик ҳисса бўлиб қўшилган деб ҳисобланади.

Олтой археологиясининг ўрганилиши ўтган мингйилликнинг 60-йилларини, яъни В.В.Радлов¹⁵ томонидан биринчи марта катта қўрғонларни қазиш ишлари олиб борилган даврни ўз ичига олади. Радловдан ташқари инқилобгача бўлган давр тадқиқотчиларидан фақат иккитасини қайд этиб ўтиш мумкин, зеро уларнинг ишлари Олтойнинг археологик ўрганилишида

¹³ Адрианов А.В. Путешествие на Алтай и за Саяны в 1883 г. Зап.-Сиб. отд. Русск. Географ. общ., кн. VIII, вып. II, Омск, 1886, 92 стр.

¹⁴ Швецов С.П. Кочевники Бийского уезда. В кн.: Горный Алтай и его население, т. I. Барнаул, 1900.

¹⁵ W.Radloff. Aus Sibirien, Bd. II. Leipzig, 1884.

илмий аҳамиятга эга. Улардан биринчи навбатда 1911-йил ёзида Олтой ғарбида Бухтарма ва Нарым дарё тизимларида ҳамда Олтойнинг жануби-ғарбидаги бошқа районларида иш олиб борган А.В.Адриановни¹⁶ айтиш мумкин. Иккинчи тадқиқотчи эса фин географи Гранэ¹⁷ бўлиб, у 1909-йил Олтой тоғларида кенг тарқалган археологик ёдгорликларни ўрганди.

Шунингдек рус ва чет эл тадқиқотчи, археолог ҳамда тарихчилар, жумладан этнограф академиклар Роупов В.В., Руденко С.И. ва бошқалар томонидан ҳам Олтой, унинг халқи, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ўрганилган.

БМИ манбалари. Олтой тарихи бўйича манбалар жуда кам бўлганлиги сабабли мазкур битирув малакавий ишни ёзишда асосан тарихчилардан Бартольд В.В.¹⁸, Гумылёв Л.Н.¹⁹, Кубарев Г.В.²⁰, Потанин Г.Н.²¹, Потапов Л.П.²² асарларидан фойдаланилди. Олтой тарихини ҳар жихатдан кенг ёритиб беришда кўпроқ Потапов Л.П. нинг маълумотлари ёрдам берди.

Шунингдек шарқ муаллифларидан фақатгина таниқли Рашидиддин²³ теленгутларнинг турар жойлари ҳақида тўхталиб ўтади ва уларнинг турмуш тарзидан қисқа ва тасодифий маълумотлар келтиради.

¹⁶ Адрианов А.В. К археологии западного Алтая. Изв. Археол. комиссии, вып. 62, Пгр., 1916.

¹⁷ J.G.Granö. Archäologische Beobachtungen von meiner Reise in Süd Sibirien und der Nordwestmongolei im Jahre 1909. Journ. Soc. Finno-Ougrienne, XXVIII, Helsingfors, 1912.

¹⁸ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Л.: АН СССР, 1927, 256 стр.

¹⁹ Гумылёв Л.Н. Қадимги турклар. Т.: «Фан», 2007, 575 б.

²⁰ Кубарев Г.В. Культура древних тюрок Алтая(по материалам погребальных памятников). Новосибирск, Рос. Акад. Наук Сибирская отделение институт археологии и этнографии, 2005.

²¹ Потанин Г.Н. Очерки северо-западной Монголии. СПб, 1881-1883, 425 стр.

²² Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. М-Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1953, 444 стр.

²³ Рашидиддин. Сборник летописей, т. I, кн. 1. Изд. АН СССР, 1952.

Олтой тарихи, этнографияси ва археологиясини ўрганиш бўйича илмда янги даврни очган Г.Миллер²⁴нинг ишлари бевосита Олтой учун қимматли ҳисобланади. Миллер Олтой тарихи бўйича бир қатор янги рус ёзма манбаларни аниқлаб, сақлади ва нашр этди. Миллер улардан ўзининг «Сибирь тарихи» ишида қисман фойдаланди ва унда Олтойнинг баъзи кабилаларига (телеутлар, шорцлар) эътибор қаратди.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишнинг бош мақсади Олтой халқларининг ибтидоий давридан то янги давргача бўлган тарихини ўрганишдир. Бунинг учун эса Олтой бўйича олиб борилган археологик, этнографик ҳамда тарихий тадқиқотлари билан яқиндан танишиб, шу йўл орқали уларни бир тизимга солиш лозим.

Бу мақсадни амалга ошириш учун эса қуйидаги вазифалар белгиланди: аввало мавжуд адабиётлардан Олтой бўйлаб амалга оширилган археологик ишларни кўриб чиқиш, Олтой халқларининг ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзи, оила, диний эътиқодлари, кийим-кечаклари, овқатлари каби масалаларга доир маълумотларни ўрганиш, шунингдек, мазкур мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда кейинги фойдаланувчи ёшлар учун Олтой халқлари тўғрисида тушунчани келтириб чиқариш ва археологик тадқиқотлари тарихшунослигининг асосини яратиш, уни бир тизимга солиш.

Ишнинг амалий аҳамияти. Аввало, Олтой халқлари тарихини ва унинг тарихшунослигини ўрганиш Олтой ҳақидаги мавжуд тасаввурларимиз ҳамда тушунчаларимизни янада кенгайтириб, унинг ҳам Марказий Осиёда узига хос ўрин тутишини билишимизга ёрдам беради. Шунингдек, ушбу иш кейинги тадқиқотларни олиб боришда қўлланма вазифасини ўташи ва

²⁴ Миллер Г.Ф. История Сибири. М.: Восточная лит-ра, 1999, 630 стр.

Марказий Осиё халқлари тарихи курсида дарслик сифатида қўлланилиши мумкин.

БМИ тузилиши. Мазкур битирув малакавий иш кириш, асосий қисм (2 боб ва 5 қисм), хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1 боб. Олтой халқларининг тарихи хақида қисқача маълумот

1.1.Олтой кишилиқ маданияти тарихи (палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза)

Олтой – Об ва Иртиш дарёларининг юқори оқимидаги тоғ тизими бўлиб, жанубий олтойликларнинг қадимги туркча номи – Алтын-Йыш (ўрхон ёзувларида «олтин тоғлар»), хитой тилида эса Цзинь-Шань²⁵. Бу тоғ тизими илмий географияда баъзида VI аср юнон саёҳатчиларининг қайдларидан келиб чиқиб Эктаг деб ҳам аталади (эҳтимол «Оқ тоғ»). Бироқ юнонлар томонидан эслатиб ўтилган янги тадқиқотлар бўйича тоғларни Олтойдан эмас, балки Тянь-Шандан излаш керак. Чунки хато юнон сўзининг нотўғри таржимасидан келиб чиққан. Агар ҳозирги бу ерда номи «олтин» маъносини берувчи сўзидан келиб чиқса, бу мўғулча алтан ёки алта бўлиши мумкин; шунингдек бу ном қалмиқлар давлати даврида пайдо бўлган. Бугунги турк аҳолисига бу номнинг маъноси номаълум; халқ этимологиясида «Олтой» сўзи «алты ай» («олти ой») деб берилади, турдош от сифатида эса у «баланд тоғлар» маъносида қўлланилади²⁶.

Олтойликлар (туркчадан алтай-киши) – Олтойдаги турк халқи бўлиб, руслар уларни «тоғ қалмиқлари» деб ҳам аташади. Радлов олтойликларнинг лаҳжасини ўзининг қадимги белгиларига кўра турк лаҳжаси билан характерлайди. Олтойликлар ислом ва мусулмон маданиятига бегоналигича қолишган; бироқ уларнинг тилидаги баъзи сўзлар (кудай – «худо», шайтан – «шайтон») бу маданиятнинг уларга таъсир кўрсатганини билдиради. Бу халқ

²⁵ Бартольд В.В. Алтай. Сочинения. Том III. М., 1963, 317 стр.

²⁶ Бартольд В.В. Алтайцы. Сочинения. Том V. М., 1963.

хозирда ҳам шаманизмга эътиқод қилади; фақат бир қисми рус миссионерлари томонидан ёйилган христианликни қабул қилган²⁷.

XVII ва XVIII аср рус расмий ҳужжатларда ҳамда XIX аср сайёҳларининг қайдларида олтойликлар «тоғли қалмиқлар», шунингдек «олтой ёки бий қалмиқлари», баъзан эса телеутлар «қора қалмиқлар» бўлмиш жунғорлардан фарқли ўлароқ «оқ қалмиқлар» номи билан аталадилар²⁸.

Олтойликларнинг «қалмиқлар», «ойратлар» деб аталишлари нотўғри ҳисобланади. Зеро, қалмиқлар – бу ғарбий мўғуллар ҳисобланиб, улар туркийзабон олтойликларга қарама-қарши мўғул тилида сўзлашарди. Ойратлар XVII аср биринчи ярмида Олтойдан Волганинг қуйи оқимига кетиб, ўша ерда «волж қалмиқлари» ва «астрахан қалмиқлари» номи остида машҳур эдилар. Тўғри, XVII ва XVIII асрнинг биринчи ярмида олтойликлар Ойрат ёки Жунғория давлати таркибига киришган бўлишса ҳам, аммо улар унинг таркибий қисми бўлишмаган ва фақат сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан унга қарам бўлишган. Шунинг учун олтойликларни «ойрат» ёки «қалмиқ» номлари билан аташ тўғри келмайди²⁹.

Инқилобга қадар Олтойнинг туркийзабон қабилалари(Кузнецк Алатауни қўшган ҳолда) умумий ном ва ягона тилга эга эмасдилар. Этнографик адабиётларда ушбу қабилаларни одатда умумий «олтойликлар» номи остида бирлаштиришарди. Уларнинг Олтой ҳудуди бўйлаб жойлашуви бугунги кунгача ўзгармаган³⁰:

1. Олтойликларнинг ўзлари ёки олтой-кижи Катунни, Урсула, Сема, Майма, Чарыш, Кан, Песчана ва бошқа дарё водийларида истиқомат

²⁷ Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. Л.: «Наука», 1991, стр. 97.

²⁸ Миллер Г.Ф. История Сибири. М.: Восточная лит-ра, 1999, стр. 179.

²⁹ Спасский Гр. Телеуты, или белые калмыки. Сиб. вестник, ч. XIII-XIV, 1821, стр. 218.

³⁰ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 5-9.

килишади. Мазкур қабилаларнинг аксарияти Горно-Алтай вилоятининг Онгудай, Усть-Кан, Усть-Коксин, Шебалин, Эликмонар ва Маймин аймоқларида кенг тарқалган.

2. Теленгитлар Чуй ва Аргут дарё водийларида яшашади.
3. Телеслар Чулышман, Башкаус дарёлари ва унинг Улаган оқими водийлари бўйлаб жойлашган. «Телес» номи асосан Чулышман водийси аҳолисига тегишли, Башкаус аҳли эса «улан» атамаси билан аталадилар.
4. Тубаларлар Чой ҳамда Турочак аймоқларида Катта ва Кичик Иша, Сары-Кокше, Кара-Кокша, Пыжа ва Уймен дарёлари бўйлаб истиқомат қилишади.
5. Челканлар (шелганлар ёки лебединлар) Лебед дарёси водийси ва асосан унинг Турочак аймағидаги Байгол оқимида жойлашганлар.
6. Кумандинлар Турочак аймағидаги Бий дарёси бўйида тарқалган. Уларнинг аксарияти мазкур дарёнинг Олтой ўлкасидаги Старо-Бардин ва қисман Солтон районларидаги қисмида яшашади.
7. Телеутлар Черге дарёси ҳамда Горно-Алтай вилоятининг Шебалин ва Маймин аймоқларидаги кичик дарё водийларида истиқомат қилишади. Уларнинг кўп қисми Кемеров вилоятининг Белов районидаги Катта ва Кичик Бочат дарёлари бўйлаб ҳам жойлашган.
8. Шорцлар Кондома ва Мрасса дарё ҳавзалари, шунингдек Кузнецк Алатаудаги Томи дарёсининг юқори оқимида яшашади. Маъмурий жиҳатдан эса олтойликларнинг ушбу гуруҳи Кемеров вилояти таркибига киради. Аксарияти Чой ва Турочак аймоқларида яшаб, ҳозирги вақтгача сеок («суяк»), яъни Шор ёки Чор қабиласи сифатида машҳур бўлишган.

Тубаларлар, кумандинлар, челканлар ва шорцларни умумий «шимолий олтойликлар» номи билан аташ қабул қилинган.

Юқори палеолит даврларига оид манзилгоҳлар Улалинка, Уст-Канжадан топилган³¹. Палеолит даврига оид ёдгорликлардан Улалинка дарёси бўйидаги манзилгоҳ А.П.Окладников томонидан 1901-йил ўрганилди³². Аввало, бу манзилгоҳ 600-минг йилга оид деб ҳисобланаётган эди, кейинчалик мукаммал ўрганишлар натижасида бу манзилгоҳ 1млн. 400-мингйилга оид деб аниқлаштирилди. Улалинка манзилгоҳидан кўпгина тош қуроллар топилган. Шу билан бирга ўша даврга тегишли Майма дарёси оқиб ўтган Малый Иконастас тоғи, Бии дарёси бўйидан ҳам бир қанча ашёлар топилган.

Ўрта палеолит ёдгорликлари Олтойда илк палеолит даврига қараганда кўпроқ. Уст-Кан ва Денис ғорлари, Кара-теник, Кара-Бом ва Тюмечин манзилгоҳлари, Красношевский туманидаги Страшная ғори шулар жумласидан.

Тоғли Олтойдан топилган буюмлар одамларнинг ғорга жойлашганлигини кўрсатади. Ғорларда одамлар маълум вақтгача оловни сақлашган. Ушбу манзилгоҳлардан топилган тош қуроллар илк палеолитдан катта фарқланади. Бу А.П.Окладниковга ўрта палеолит маданияти Ўрта Осиёдан келган бўлиши мумкин, деган фаразни қўйиш имконини берди. Бу ердан археолог олимлар турли хил тош қуроллар: нуклеуслар, ўткир тош қуроллар ва бошқаларни топишган. Ўткир тош қуроллар пичоқ вазифасини бажарган. Бундан ташқари, бу ердан турли қушлар ва ҳайвонларнинг суяклари ҳам топилган.

Сўнгги палеолитга оид манзилгоҳлар кўплаб топилади, лекин улардан ҳали кўпи ўрганилмаган. Сростин, Один, Бахтемир туманларидаги Чебишин, Ушлеп-2 ва Ушлеп-3 манзилгоҳлари, Солтон ҳамда Смолен туманида Точилное-2 ва Точилное-4, Маймин туманида, Тоғли Олтойда Коратурх манзилгоҳи ва бошқалар. Бу ердан узоқ муддатли турмуш излари

³¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. VI том. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003, 256 б.

³² История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 40.

топилмаган, лекин топилган тош куролларнинг такомиллашганини кўрса булади. Яна қизиқ жиҳати шундаки, бу ерда илк палеолит даврига хос тош куролларга ҳам дуч келиш мимкин³³.

Барнаул ва Касмал дарёлари бўйларидан кўплаб **мезолит** манзилгоҳлари топилган. Геологларнинг фикрига кўра, қадимги тош даврларида бу ерда Об дарёси оқиб, Иртиш дарёсига қуйилган. Бу даврда тош куроллар янада кичиклашиб, такомиллашган.

Олтойда **неолит** даврига оид 50 га яқин ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги дарё бўйларидан топилган. Хўжалик турларидан овчилик, балиқчилик билан бир қаторда кулолчилик бўлган.

Қадимги Олтойда неолит даври манзилгоҳлари: Павловка I, Алексеевка I, Новенкоев, Кривое I, Пешенечное VI, Калантир XIX ва Бахчи ҳисобланади. Бу ердан бир қанча кулолчилик буюмлари топилган. Заволево-II ва Седово Заимка-II дан топилган кулолчилик буюмларини В.И.Молодин IV мингйиллик охири - III мингйиллик бошига оид деб ҳисоблаган.

Неолит даври ёдгорликлари Олтойда, Иткўл кўли, Бийск шаҳридан 50 км шимоли-ғарбда, Верх-Обск ўрмонзори ва Бийск-Чумий ўрмон чўли чегарасидан топилган. Ушбу даврга оид биринчи археологик топилмаларни 1935-йил 17-участкада яшовчи А.Г.Демков ўзининг томорқасидан топади. 1954-йил А.Д.Самбрски Катта Мисуда томорқасини қовлаётганда неолит даврига оид 6 та скелетни топди. Улар 1 метр чуқурликда, 2 қаторда, ёнига 2 қатор пастда жойлашган экан. Ўрганиш натижасида битта скелетнинг бош суягига пичоқ билан урилганлиги аниқланди. Пичоқнинг синиғи скелетнинг ёнида эди. Кейинчалик бу жойда Б.Кадиков томонидан қазилар ишлари олиб

³³ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 40-41.

борилди. Улар тарафидан яна 30 та археологик ёдгорликлар очилди, улардан бир қанчаси неолит даври хусусиятларига эга эди³⁴.

Яна шуни айтиш керакки, Углов туманидаги Павловка қишлоғидан мингга яқин топилмалар топилган, бу ер тош қуроллар, кулолчилик буюмлари ишлаб чиқариш маркази бўлганини кўрсатади.

Олтойда **энеолит ва бронза** даврига оид Афанасеев маданияти аниқланган. Бу маданият ўзининг номини 1920-йил С.А.Теплоухов томонидан Красноярск ўлкаси, Афанасеев тоғи яқинидаги Батени қишлоғида ўша давр қабристонини топилган вақтда олган.

1865-йили тоғли Олтойда, Урсул дарёси бўйида академик В.В.Радлов бошчилигида қазилар ишлари олиб борилди. Афанасеев маданиятининг биринчи хусусияти қабрларнинг мавжудлигида дейилди. Тоғли Олтойда ҳозир 20 га яқин: Курота-II (С.В.Киселев), Куюм (Г.П.Сергеев, П.П.Сосновск ва Э.М.Бернс), Арагол (С.И.Руденко ва М.П.Грезнов), Нижний Туюмечен-I (В.А.Посредников ва С.В.Сибалар томонидан) қабрлар қазилган.

Курота-II қабристонидан 9 та қабр қазилган. Ҳар бирининг марказида биттадан тош плита бекитилган. Ушбу қабристонда қабр ертўласида одамларнинг шарққа, шимолий-шарққа, ғарбга, шимоли-ғарбга қараб, тиззасини буккан ҳолда ётишганини кўриш мумкин. Шунингдек, қабрлардан ўша даврга оид бир қанча буюмлар топилган. Кулолчилик буюмлари майитнинг ўнг елка тарафида жойлашган³⁵.

Афанасеев маданиятига хос буюмлар уларда чорвачилик ривожланганини кўрсатади. Вақтинча ёзги турар жойлар ва узоқ қишги турар жойлар ҳам Афанасеев маданиятига хос бўлганлигини кўриш мумкин. Ёзда Афанасеевлар подаларини кўл ва баланд ўтлар ўсадиган тоққа ҳайдашган.

³⁴ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 41-42.

³⁵ Ўша асар, 1983, стр. 42-43.

Қишда водийдан пастга тушишган. Подаси таркибига катта ва кичик мол ҳамда отлар кирган, лекин чорвачилик хўжаликнинг ягона тури бўлмаган. Овчилик, кулолчилик ва тошга ишлов бериш ҳам тараққий этган эди. Бу эса жамиятда асосий ролни эркаклар ўйнай бошлаганлигини кўрсатади. Жамият аъзолари ўртасида аллақачон ижтимоий фарқланиш мавжуд бўлганлигини қабрлардан топилган буюмлар тасдиқлайди. Афанасеевликларнинг бир қисми Тоғли Олтойда яшашни давом эттирган. Лекин уларнинг кейинги тақдири номаълум.

Милоднинг I асригача Тоғли Олтойга бошқа туманлар, ҳудудлардан аҳоли кира бошлаб, ўзларидан қабристон ва ёдгорликлар қолдиришган (ўша жойлардан топилган мис ҳанжар ва бошқалар). Бу даврга оид яна бир хусусият шуки, петроглифлар (IV мингйиллик – II мингйиллик)ни 2 та маданий даврга ажратиш мумкин:

1)неолит давридан бошланиб, ёввойи ҳайвонлар тасвири: отлар, буғу, қўй, қўтос ва бошқалар;

2)кейинги даврлар, бунда энди хонакилаштирилган ҳайвонлар тасвирлари, ов манзаралари.

II мингйиллик ўрталарида Ғарбий Сибир, Қozoғистонда **Андроново маданияти** жойлашган. Тоғли Олтойда бу типга хос ёдгорликлар ҳали топилмаган, тоғ олди жойларида, Бийск шаҳри яқинида, Об дарёси бўйларида, Иконников ва бошқа жойлардан эса топилган³⁶.

“Андроново маданияти” номи 1914-йилда Ачинск тумани, Андроново қишлоғида Сибир ўлкашуноси А.Я.Тугаринов томонидан топилган қабр сабабли берилган. Уларнинг асосий хўжалик тури чорвачилик бўлган. Бу маданиятга хос ёдгорликларнинг катта қисми Барнаулдан, темир йўл кўпригига яқин “Депутатлар кўчаси”дан топилган. Афанасеевларнинг узун,

³⁶ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 43.

катта бошидан фарқли равишда андроноволикларнинг бошлари думалоқ ва жисмоний жиҳатдан чиройли бўлиб, европоид типига мансуб бўлишган.

1.2. Ўрта асрларда Олтой (Уйғур хонлиги, Киданлар, Найманлар, Мўғуллар даврида)

Уйғур хонлиги. Уйғурлар давлати VIII асрда Олтойдан Манжуриядан ва жанубда Гоби чўлигача ёйилган эди. Жанубий Сибир ва Олтой мазкур янги хонлик таркибига кирган ҳамда уларга солиқ тўлаган³⁷.

IX асрда Минусин ва Саянда кучли қабила уюшмасини тузган туркийзабон Енисей қирғизлари кучайиб кетади. 840-йилда қирғиз хонининг кўшини Ўрхон дарёси бўйидаги уйғур пойтахтини талаб, уйғурларнинг Ўрта Осиё ҳамда Олтойдаги юз йиллик ҳукмронлигига нуқта қўйдилар. Олтой аҳолиси учун 200 йил атрофида давом этган янги тарихий давр кириб келди ва бу давр қирғиз ҳукмдорларига бўйсунуш даври ҳисобланган³⁸.

X асрда турли қабила ва элатларнинг IX асрдаги кўплаб қолдиқлари орасида тил фарқларининг юмшаш жараёни кучайган бўлса ҳам, хўжалик, маданият ва этник жиҳатидан Олтой аҳолиси бир қабила бўлмаган. Олтойликларнинг этник тарихида кўплаб кўчманчи гуруҳларнинг кўчиши, қадимги ўтроқ аҳоли билан ассимиляцияси, бирининг маданияти ва жамиятининг юксалиб бориши ҳамда бошқа бирининг йўқолиб кетишидек сурати гавдаланади. Умуман IX - X асрларда у ёки бу иқтисодий, этник ва ижтимоий ҳолатларнинг шаклланиш жараёни кузатилади ва унга биринчи бўлиб руслар XVII аср бошида Олтойда дуч келишган. Шу тариқа, Тоғли Олтойда ярим кўчманчи яйлов чорвачилиги ҳукм сурган, у билан бир қаторда яна жанубий олтой қабилалари - телеслар, теленгитлар, телеутлар

³⁷ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 95.

³⁸ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 50.

шаклланган³⁹. Қирғиз хоқонларининг қоятошларга ўйиб ёзилган руний ёзувларида, таниқли ҳарбий бошлиқларнинг қабр тошларига битилган эпитафияларда бу номлар тез-тез солиқ тўловчи киштимларнинг рўйхатларида берилган. Олтой тоғларида бутун аҳолини турк-теленинг турли конгломерати ташкил этган, улар орасида энг кучлиси – теле қабиласи қисмларидан бири бўлмиш қипчоқлар ҳисобланган. Айнан қипчоқлар ҳозирги жанубий олтойликларнинг ва бошқа турк халқларининг асоси ҳисобланганлар. Ҳозирги вақтгача қипчоқларнинг уруғ номи сақланиб қолган, Жанубий Олтойнинг туб аҳолиси – теленгитлар, телеслар, олтой-кижининг тили эса турк тилларининг қипчоқ гуруҳига тегишли бўлган.

Енисей қирғизлари 840-йили уйғурлар устидан ғалаба қозонганларидан сўнг Марказий Осиёнинг шарқий қисмида қирғиз хоқонлари томонидан бошқарилган қабилалар иттифоқи ҳукмронлиги даври бошланган⁴⁰. Қирғизлар ҳукмронлиги X асргача давом этган. Олтой аҳолиси мазкур даврда қирғиз хоқонларига тобе бўлиб, натура шаклида солиқ тўлашган: темир буюмлари, мўйна ва ҳ.к. Қирғизлар Енисейнинг ўрта ва юқори оқими ҳудудларини эгаллаб, олтойликларнинг шарқий қўшнилари ҳисобланишган⁴¹.

Киданлар ва Найманлар даврида Олтой. Енисей қирғизларининг бўлинмас давлатчилигига X аср бошида киданлар ёки уларни мусулмон муаллифлари атаганидек – қорахитойлар томонидан сиқиб чиқарилганда нуқта қўйилди. XI аср ўртасида қорахитойлар ўзларининг ҳукмронликларини Олтойгача ёйишган эди, XII асрнинг биринчи ярмида эса улар нафақат Олтой, балки Еттисув ва Енисей қирғизларининг ерларини эгаллаб, ўзларининг давлатини туздилар⁴².

³⁹ Потапов Л.П. Краткий очерк культуры и быта алтайцев. Облнациздат, 1948, стр. 50.

⁴⁰ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Л.: АН СССР, 1927, стр. 71.

⁴¹ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 50.

⁴² Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 99.

Ўзларининг ташқи қудратига қарамай, қорахитойларнинг кўчманчи «империя»си у қадар мустаҳкам эмас эди, уни ички қарама-қаршилиқлар тилка-пора қилиб, этник таркибининг хилма-хиллиги доимий равишда марказий кучларнинг ҳаракатига имкон берган. XII аср охирида қорахитойликларнинг заифлашуви оқибатида тарихий майдонга Ўрта Осиёнинг шарқий қисмида Хангай ва Олтой тоғлари орасида яшаган мўғулзабон найманлар чиқишади⁴³. Найманларнинг дастлабки ҳудудлари Хангай тоғлари ва Олтой ўртасидаги Шарқий Мўғулистон ҳамда қисман Олтой тоғларининг жанубий ён бағирларигача ҳам ёйилган эди⁴⁴. Шу даврдан ва XIII аср бошларигача Олтой аҳолиси найман ван-хонларининг таъсири остида бўлиб, уларга солиқ тўлашган. «Найман» номи ҳозирги олтойликларнинг бир нечта уруғларида сақланиб қолган. Аммо бизда қисқача бўлса ҳам найманлар ҳукмронлиги даврида олтойликларнинг аҳволи ва уларнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар камдир. Фақатгина шу маълумки, бу ҳукмронликка XIII асрнинг охирида Чингизхон раҳбарлигидаги мўғуллар томонидан нуқта қўйилган эди⁴⁵. Шу билан бирга, мўғулзабон найманларнинг Олтой ҳамда қўшни вилоятлар туб аҳолиси тузилишидаги роли улкан бўлган. Ассимиляция қилинган ҳолда улар олтойликлар таркибига кирган эдилар. Бу ҳақида Марказий Олтойда кенг ёйилган майман, қорамайман ва бошқа уруғларнинг номларида айтиб ўтилади⁴⁶.

Олтой аҳолисининг ўрта асрлар тарихи Марказий Осиёдаги бўронли тарихий жараёнларининг ажралмас қисми ҳисобланиб, кўчманчи чорвачиликнинг мустаҳкамланиши, илк феодал ғояларнинг тараққий этиши билан боғлиқ бўлган. Сўнгги муҳим даври бу XIII асрда Чингизхон

⁴³ Владимирцов Б.Я. Общественный строй монголов. Л.: Изд-во АН СССР, 1934, стр. 14.

⁴⁴ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 52-53.

⁴⁵ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр.101.

⁴⁶ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 53.

давлатининг ташкил топиши ва унинг таркибига Олтойнинг ҳам камида 150 йил вақт оралиғида кириши бўлган⁴⁷.

Олтой Мўғуллар даврида

Мўғулларнинг Олтойдаги илк ҳукмронлик даври Чингизхон даврига тўғри келади. 1207-йили Чингизхон найманларни мағлубиятга учратиб, уларни Мўғулистондан ғарбга ва қисман Олтойга ҳам ҳайдаган, жанубий Олтой ерларини эса улкан ҳудуднинг ноёни(ҳукмдори)га айланган Баарин қабиласидан Хорчига берганидан сўнг феодаллашиш жараёни чуқурлашди. Тўғри, Олтойни Чингизнинг рақиби – Мухули (унвони мерос бўлиб ўтган) бошқарган деган фикр мавжуд. Нима бўлганда ҳам «ўрмон халқлари», шу жумладан, телеслар ва теленгитларнинг итоатлилиги тўғрисида келтириб ўтилган маълумотлар мўғул хроникасида ўз аксини топган. Достонда «Хорчининг ижозатисиз ўрмон халқлари эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлмасликлари керак» деб очикдан-очик айтиб ўтилади.

Умуман мўғул босқинчиликлари Олтой аҳолисига оғир таъсир этган. Бу мўғул жамиятида феодаллашув жараёнининг кучайиши, хонлар сиёсатининг талончилик характерга эга бўлиши, террор талон-тарожликни амалга ошириш мақсадида бостириб кириш, кўплаб ҳудудларни харобага айлантириб, маданиятининг қулаши қабилаарда намоён этган⁴⁸.

Тадқиқотчилар мазкур уруш ва қулаш даври археологик ёдгорликларда ҳам ўз аксини топганини қайд этишади: дашт ва Тоғли Олтойда кўплаб олов излари билан бирга бузилган шаҳарлар мавжуд, ертўладаги ёдгорликлар кам ва ифодасиз бўлиб, улар Олтой туркларининг XIII - XIV асрларда тез орада қашшоклашиб кетишганини ифодалайди. Ҳар қандай шароитда бу даврнинг археологик ёдгорликларини на бойлик ва хилма-хиллиги жиҳатидан, на

⁴⁷ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 106.

⁴⁸ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 55.

кўмиш анъаналарининг мустаҳкамлиги, на миқдори жиҳатидан қадимги турклар билан қиёслаб бўлмайди. Олтойнинг яримкўчманчи ва кўчманчилари ўтмишнинг кўплаб ажойиб ютуқларини сақлаб қолганларига қарамай, маданий қолоқ бўлганлар.

Шундай қилиб, шимоли-ғарбий Олтой ва даштнинг Иртишгача бўлган худудда XIII асрнинг 30-йилларида Чингизхоннинг вафотидан сўнг набираси Боту даврида шарқий адабиётларда Жўжи Улуси, бизнинг адабиётларда эса Олтин Ўрда деб ном олган давлат тузилган. Олтой шу Улус таркибига кирган эди. XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг бошларида Жўжи Улусидаги феодал низолар туфайли давлат 2 қисмга бўлинади ва шарқий қисми Волгадан ғарбий Сибиргача даштни эгаллаб Оқ Ўрда номини олган ҳамда олтойлик қабилалар ана шу ўрданинг таркибида бўлишган⁴⁹.

Тоғли Олтойнинг жанубидаги аҳамиятга молик районлари мўғул салтанати(Буюк хоннинг бошқаруви)нинг мулки ҳисобланган. XIII асрнинг иккинчи ярмидан Урду-Ичен билан Олтин Ўрда хони ўртасида гегемонлик ва Олтин Ўрда тахти учун кураш авжига чиқади. Доимий ҳарбий тўқнашувлар, очикчасига талончилик, ярим феодаллашув ва алоҳида улуслар, ўрда, хонлик хўжайинлари ва зодагонларнинг солиқ жабри ўзларининг этник гуруҳларини қийнаб қон қақшатди, уларнинг ишлаб чиқариш кучлари ва жамоат тузумининг тараққиётини тўхтатди, бу эса ўз навбатида Жанубий Сибир ва Олтой аҳолисининг тарихий тақдирида реакцион роль ўйнади⁵⁰.

Археологик маълумотларга асосан XIV – XVII асрларда Юқори Об ва Олтой аҳолисининг таркиби доимий бўлмаганлиги, алоҳида этник гуруҳларнинг жойлашуви, жанубий районлардан аҳолининг оқиб келиши кузатилган. Мисол учун Жанубий Олтой телеутлари тоғлардан шимол ҳамда

⁴⁹ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 110.

⁵⁰ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 55-56.

шимоли-ғарбда жойлашган ўрмончул ва ўрмон районларидаги мўғулларнинг ўзаро ички низоларидан оммавий тарзда жон сақлардилар. Мўғуллар томонидан Енисей қирғизлари (шу ердан сўнгги рус хариталарида «киштимлар ери» пайдо бўлган) тобеъ эттирилишидан шимолий олтойликлар баъзи гуруҳларининг мустақиллиги кучайди, Телецк кўли районида ва Катунининг этагида шарқ ҳамда жануби-шарқдан (тубаларлар) илк этник бирликлар вужудга келади. Тоғ йўли орқали кириб келган қозоқларнинг алоҳида гуруҳлари дохийлари яйловларни эгаллаб, маҳаллий кўчманчиларни ярим қул, ярим деҳқонларга айлантиришди ва ўзларининг ҳужумлари билан жанубий олтойликларга жиддий зиён етказишди. Айнан шу силжишлар, тўқнашувлар, турли қабила ва халқларнинг мўғул ҳамда мўғуллардан кейинги даврда жойлашуви, бирида умумийликнинг қулаши ва бошқасида хилма-хил халқларнинг ташкил этилишлари Олтой этник харитасининг сўнгги тузилишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Мазкур жараён Олтой тарихининг Ойрат (Жунғор) даврида ниҳоясига етган.

Олтойликларнинг Чингизхон ҳукмронлиги остида бўлиши XIV асрнинг ярмигача давом этган ва бу олтойликларнинг маданиятига таъсир этган. Мўғул хонлари бўйсундирилган халққа нисбатан талончилик кўринишидаги сиёсатини ўтказганлар. Солиқларни натура шаклида тўлашдан ташқари улар бир қанча мажбуриятларни ҳам бажаришган. Шулардан энг оғири почта бекатларини, чопарлар ва транспортларни (одатда отларни) таъминлаш бўлган. Шунингдек, оғир мажбуриятлар қаторида йўлни, кўприклар ва суғориш каналларини таъмирлаш ҳам бўлган⁵¹.

Ижтимоий- иқтисодий ва маданий ҳаёти. Кўриб ўтилаётган давр (IX - X асрлар) учун Жанубий Сибир ва Олтойнинг кўчманчи ҳамда ярим кўчманчи аҳолисининг табақаланиш жараёни тараққиёти характерлидир. Ўша вақтда айниқса қирғиз хоқонлигининг табақаланиши Олтой вилоятларида

⁵¹ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 56.

тугалланмаган эди: бу ерда махсус солиқ йиғувчилар томонидан йиғиладиган солиқ эксплуатация асоси бўлиб қолган ва жамиятнинг табақаларга бўлиниши ҳам кузатилган. Шимолий Олтой аҳолиси қирғизлар ҳукмронлиги даврида солиқни асосан темирдан ясалган хунармандчилик буюмлари, қозонлар, ўқ учлари, эгарлар ва бошқалар билан тўлаганлар. Бу даврда темир Олтойнинг ҳамма жойида қазиб олинган бўлиб, Чу дарёси ҳавзаси, Тоғли Олтой автоном вилоятининг Турочак ҳамда Маймин ҳудудларидаги қадимги қончиларнинг фаолияти излари бунга гувоҳлик беради⁵². Хом ашё олинувчи унча чуқур бўлмаган ўралар, Чу дарёси ҳавзасида Юстид посёлкаси бўйидаги қонлар, шунингдек, Маймин раёни яқинида қончиларнинг қурол-аслаҳалари, Арянак тоғи ва бошқа жойларда рудаларни қуйдириш учун мўлжалланган печларнинг қолдиқлари ҳам бугунги кунгача сақланган⁵³.

Қимақ-қипчоқлар ўзларининг кўчманчилик манзилгоҳларини ғарбий Олтойга ҳам ёйишган бўлиб, тоғлардан сувсар олишарди. Олтойликлар орасида «қипчоқ» номи бугунги кунгача уруғларнинг таркибидаги кўпсонли аҳоли ҳисобланган. Ўша даврларда Олтойда тўйда қалинни чорвадан бериш удуми сақланган. Қирғизлар уларга тобе қабилалардан натура шаклида солиқ йиғишарди. Олтой ва Кузнецк Олатоғида яшаган қабилалар қирғизларга солиқни асосан мўйна (олмахон ва сувсар) ва темир буюмлари тарзида тўлаб беришарди⁵⁴.

Қорахитойликлар ҳукмронлиги Олтой аҳолисининг иқтисодий аҳволига, унинг ҳаёт тарзининг пасайиб кетишига таъсир этган, улар забт этилган вилоятларда хитой системасини, яъни саройга пул бирлигида солиқ тўлашарди.

⁵² Потанин Г.Н. Материалы для истории Сибири. Чтения, книга 4-я, 1866, стр. 141.

⁵³ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 51.

⁵⁴ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 97-98.

Найманлар хукмронлиги даврида Олтой аҳолисининг ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар афсуски деярли йўқ. Бундай ҳолат қисман милодий II мингйиллик археологик ёдгорликларнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги билан боғлиқ.

Мўғуллар даврида эса Олтойнинг баъзи жойларида мўғул кучлари арпа экинларини ишлаб чиқариш ҳамда янги суғорма иншоотларини (киданлардан сақланиб келганларини қўлламасдан) яратишга мажбурлашар эди. Бунда нафақат далалар, балки тоғли ўтлоқда ҳарбий отрядларнинг ерлари ҳам суғорилар эди, озиқ-овқатдан ташқари отлар учун озуқа билан ҳам таъминлашар эдилар. Бу воқеаларнинг овозаси бизгача олтойликларнинг баҳодир Сартакпай – каналлар ва тўғонлар қурувчиси ҳақидаги афсоналарда етиб келган⁵⁵.

Олтой қабилаларининг бу даврдаги маданияти ва турмуш тарзи қуйидагича бўлган. Олтойнинг жануби, ғарби ва шарқида яшаган қабилалар асосан от, қўй ва эчки боқишарди. Йил давомида чорвани бир яйловдан бошқа яйловга олиб ўтишарди. Олтойликларнинг овқатланишида ва ёввойи ўсимликларни теришда кедр ёнғоқлари ва қисман ёввойи асалариларнинг асаллари аҳамиятли бўлган. Фақат зайсанлар ва уларнинг ёрдамчиларида чорва кўпроқ бўлган⁵⁶.

Мўғуллар хукмронлиги даврида Олтойда суғорма иншоотларининг қурилиши асир эронликлар – сартлар (мўғулчасига – сартаклар ёки сартактайямлар) томонидан амалга оширилган. Бундай ҳолатлар Сартакпай баҳодир ҳақидаги олтойликларнинг афсоналарида ўз аксини топган. Бироқ маданиятнинг ортда қолиши мўғулларнинг хукмронлиги билан боғлиқ бўлган. Археологик ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, мўғуллар даврида Олтой аҳолиси турк хоқонлиги даврига қараганда анча паст даражада бўлган.

⁵⁵ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 52, 55-56.

⁵⁶ Потапов Л.П. Краткий очерк культуры и быта алтайцев. Облнаниздат, 1948, стр. 25.

Бунга мўғуллар даврида Олтойда қимматли буюмлар билан жиҳозланган қабрларнинг йўқлиги гувоҳлик беради. Балки бунга бой зодагонларнинг Олтойни тарқ этганлиги сабаб бўлиши мумкин. Оддий қабрлар эса камдир. Кўпсонли археологик ёдгорликлар олтойликларнинг бу даврдаги камбағаллигини намоён этади. Марҳумни 4 та кичкина оёқли ёғоч қозончада озиқ-овқат(қўй гўшти), баъзида эса темир пичоқ ёки мотиға билан кўмишарди. Аёлларнинг қабрларида бу вақтда эгар-жабдуқ қолдиқлари учрайди. Такинчоқлардан оддий мис сирға, мунчоқлар ва чиғаноқлар топилган. Мазкур қабрларда бой қуроллар, олтин ва қумуш безаклар, суякдан ясалган буюмлар ва шунга ўхшаш буюмлар бўлмаган⁵⁷.

Олтой кўчманчиларининг паст даражадаги турмуш ва маданияти мўғуллар даврида мўғул хонларининг тобе этган аҳолига нисбатан ўтказган сиёсати билан боғлиқ эди. Грум-Гржимайлонинг қайд этишича, мўғуллар томонидан йиғиб олинган солиқлар ҳаддан ташқари оғир бўлиб, улар хоннинг ғазнаси ва алоҳида улус князлари ҳамда вилоят раҳбарлари учун ҳам йиғиб олинарди. Олтойликлар қиш ва ёзда конус шаклидаги қайин дарахти ёки ҳайвон териси билан ёпилган чайлаларда учоқ олдида яшашарди. Бой олтойликлар эса кигизли ўтовларда туришарди.

Кийимлари қўй терисидан қилинадиган узун ва бадан устига кийиладиган пўстинлар ёки кийик терисидан қўпол қилиб тикиладиган устки енгил кўйлак билан иштон бўлган. Ёз жазирамасида пўстин елкадан туширилган. Оёқ кийимларини асосан кийик, от терисидан тикишган ва пайпоқ ўрнида қуруқ ўтдан фойдаланишган. Эркак ва аёлларнинг кийимлари деярли бир-биридан фарқ қилмаган, фақатгина аёлларнинг чегедека номли енгсиз кийими пўстин устидан кийилган. Шапкалари, яъни бош кийимлари қўй терисидан айлана шаклида тикилган. Бой олтойликлар хитой матосидан тикилган юмшоқ устки

⁵⁷ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 55.

кийим, Хитойнинг рангли ипаги билан ёпилган қўй тери ли пўстин, қалин тагчармли ва пошнасиз теридан тикилган этик кийишган.

Оддий олтойликларнинг овқати ёзда турли хил еса бўладиган ўсимликларнинг илдизлари ва поялари, сут ва ҳайвонларнинг гўштлири бўлган. Бойлар қўй, от, турли хил сут маҳсулотлари, арпа талқони ейишарди. Ичимликлардан қимиз ва ҳаттоки чой ичишарди. Бойларда табак чекиш ҳам кенг тарқалган эди⁵⁸.

Мўғуллар даврида олтойликлар темир ва асосан олтин, кумуш казиб олиш ҳамда уларни қайта ишлашдан бутунлай маҳрум бўлишган. Ёзув ва саводхонлик умуман бўлмаган. Фақатгина зайсан-бойлардан алоҳида шахсларгина мўғулча вертикал квадрат ёзувини билишарди. Ҳеч қандай тиббий ёрдам кўрсатилмаган, аҳоли шаманлар таъсири остида бўлишган. Мўғулларнинг кучли таъсири остида олтойликларда фақат оғзаки халқ ижодиёти ривож топган бўлиб, алоҳида ойрат хонлари ва тайшиларнинг ҳақиқий исмлари ҳамда ғамгин образлари сақланган ҳолда бизгача етиб келган.

Шимолий олтойликларнинг маданияти ибтидоий ва паст даражада бўлган эди. Уларнинг асосий машғулоти пиёда ов қилиш (қишда чанғиларда), мотигали дехқончилик ва илдизларни териш бўлган. Йирик гўштли ва қиммат муйнали ҳайвонларни камон, найза ва ёғоч тузоқлар ёрдамида овлашарди. Қўлга олинган мўйна ойрат феодалларига албан сифатида тўланарди. Шимолий олтойликлар конда темирни казиб олиш ва ундан турли қурол ва хўжалик буюмлари тайёрлаш маҳоратини сақлаб қолишган эди. Бироқ хонаки темирчилик буюмлари ойрат ёки жунгор амалдорлари томонидан алман учун олиб қўйиларди⁵⁹.

⁵⁸ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 56.

⁵⁹ Вербицкий В. Алтайские инородцы. Сборник этнографических статей и исследований. М., 1983.

Шимолий олтойликларнинг ёзув ва саводхонлик, тасвирий санъатдан йироқликлари сабабли уларнинг диний қарашлари ва диний эътиқодлари жанубий олтойликларга қараганда анча паст даражада бўлган. Уларнинг фарқлари кўмиш маросимларида ҳам кузатилган. Масалан, жанубий олтойликлар марҳумни ер устида (от ҳамроҳлигида) кўпинча эски кўрғонларнинг тепаликларида тошларни қўйиб кўмишган бўлишса, шимолликлар марҳумларни қайин пўстлоғига ўраб дарахтга осиб қўйишарди⁶⁰.

1.3. Олтой Рус давлати таркибида

Олтойликларнинг Рус давлати таркибига киритилиши. Олтой туркийзабон қабилаларининг Рус давлати таркибига киритилиши XVII ва XVIII асрнинг биринчи ярмида содир бўлган. Шимолий ҳамда жанубий олтойликлар учун бу воқеа турли вақт ва турли вазиятларда рўй берган. Масалан, XVII аср бошлариданоқ руслар томонидан Сибирнинг аҳоли жойлашмаган ҳудудларини ўзлаштириш муносабати билан шимолий Олтой қабилалари кўп миллатли Рус давлатининг ташкил этилиш жараёнида киритилган эди⁶¹.

XVII - XVIII асрларда русларнинг ғарбий ва жанубий Сибирга юриши осийлик феодаллар қаршилигига учради, зеро улар солиқлардан келаётган даромаддан воз кечишни истамас эдилар. Бу вақтда Саян-Олтой тоғликлари қабилаларидан олинадиган солиқлар таркибида Хитой талабгор бўлган

⁶⁰ Анохин А.В. Материалы по шаманству у алтайцев. Л.: Рос. Акад. наук, 1925, стр. 192.

⁶¹ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 165.

мўйна ҳамда кўчманчилар томонидан ишлатиладиган темир буюмлар аҳамиятга эга эди⁶².

Руслар шимолий Олтой ҳудудларини ўзлаштиришда ва Енисейнинг ўрта оқимида ҳаракатида ушбу ҳудудлар аҳолисидан солиқ йиғиш ҳуқуқига эга бўлмиш қирғиз ва қалмиқ (жунғорлар ёки ойратлар) князлари қаршилигига учрашди⁶³.

Кумандинлар, челканлар ва тубаларларнинг ясоққа тортилиши шорцларникига қараганда кечроқ рўй берган. Аммо 1643-йилги ҳужжатда Кузенск ва Комляжск (Козляшск ёки Комдош) тубалар волостлари ясоққа тортилган ҳудудлар сифатида кўрсатилган. XVII асрнинг 60 ва 80-йилларига оид Сибир солномаларида шорцлар (кузнецк татарлари) ясоқчилар деб, мундуслар, теленгутлар ва бошқалар эса «буюк шоҳга ясоқ тўламайдилар» деб кўрсатилади.

1646-йил қозоқлар Томск жангчисининг ўғли Борис Зубов раҳбарлигида телесларни забт этади ва 1652-йилда княз Айдар ясоқни тўлашни хоҳламай барча телеслар билан телеутлар манзилига жойлашади. Шу йили телеутлар рус фуқаролигини қабул қилишгач, телеслар ҳам бўйсуняшади ва ўзларининг олдинги манзилларига қайтиб келишади. 1669-йил 19-март шоҳнинг Томск жангчиларига ёзилган ёрлиғида телеслар «ясоқчилар» деб берилади⁶⁴.

Шу вақтдан бошлаб телеслар мунтазам равишда рус ғазнасида мўйна тарзида ясоқ тўлашарди, XVII асрнинг 80-йилларида Об дарёсининг юқори оқимида яшовчи телеутлар эса жунғор хонига солиқ тўлашарди. 1701-йил Семен Ремезов томонидан тузилган «Сибирнинг чизма китоби»да шорц,

⁶² Потапов Л.П. Очерки по истории Шории. М.-Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1936, стр. 260.

⁶³ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 63.

⁶⁴ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 167, 169-170.

челкан ва кумандин вилоятлари ясоқчи ҳудудлар деб кўрсатилган. Лекин Сибирдаги шох ҳарбий ноибларининг шимолий олтойликлар устидан ҳукмронлиги XVIII аср ярмигача мустаҳкам эмас эди. Бунинг анчагина жиддий сабабларидан бири жунғор ва қирғиз феодаллари ўзларининг солиқ тўловчиларини сақлаб қолиш учун русларга қарши ўзлари қурол билан чиқишарди ёки Олтойнинг ясоқчи қабилаларининг «қўзғолонлари»ни тез-тез уюштиришарди. Бунда телеут тайшиси Абак фаол иштирок этарди. Русларнинг Сибирга қарши ҳаракатини уюштиришда Енисей қирғизлари ҳам катта рол ўйнаган.

Шимолий олтойликлардан солиқни йиғиб олишга қирғизлардан ташқари жунғорлар ҳам даъвогарлик қилишарди ва бу айрим аҳолининг иккита давлатга солиқ тўлашларига олиб келган. Жунғор контайшиси шорцлар, кумандинлар, тубалар ва тау-телеутлар(Майма ва Сема дарёлари бўйлаб яшаган)ни ўзларининг киштимлари (солиқ тўловчилари) деб ҳисоблашарди ва доимо ўз князларини улардан солиқларни йиғиб олиш учун юборар эди.

1745-йил 10-август Кузнецк саркардаси Шапошниковнинг берган ахборотига кўра иккита давлатга солиқ тўловчи ясоқчиларнинг сони ва ясоқларининг миқдори қуйидаги жадвалда берилган бўлиши мумкин⁶⁵:

Волост номи	Ясоқчилар сони	Сувсар билан тўланадиган ясоқ миқдори (дона)
Кумандин (кумандинлар)	100	17
Кузенск (тубаларлар)	46	25

⁶⁵ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 170-174.

Комляж (тубаларлар)	51	4
Кергеш (тубаларлар)	43	12
Тау-Телеут (телеутлар)	51	52
Итибер (шорцлар)	34	22
Елей (шорцлар)	31	38
Карачер (шорцлар)	75	14
Киргин (шорцлар)	7	14
Шелкан (челканлар)	46	20
Юс (тубаларлар)	11	30
Телецк кўлининг Кергешдан нариги томонидаги волост (эхтимол телеслар)	100 лар атрофида	60
Жами	655	443

Жанубий олтойликларнинг Россия таркибига киритилиши эса бошқа вазиятда содир бўлган. Шоҳ ҳукумати анча вақтдан буён бу ерларни ўз таркибига киритмоқчи бўларди, аммо Жунғория билан муроса қилишига тўғри келган⁶⁶.

Жунғориянинг сиёсий қудрати Хитой ва Россиянинг у билан ҳисоблашишга мажбур этарди. Масалан, Россиянинг енисей қирғизлари ва

⁶⁶ Вербицкий В. Алтайские инородцы. Сборник этнографических статей и исследований. М., 1983.

барабин татарлари Жунғорияга солиқ тўлашга мажбур эдилар, рус ҳокимияти эса тўқнашувлардан қўрқиб бунга қарши чиқолмасди⁶⁷.

Аммо жунғор феодаллари ўртасидаги низолардан Хитойнинг манжур сулоласи фойдаланиб қолади. 1755 – 1756-йилларда император қўшинлари Жунғорияни унинг ҳудудларини эгаллаш мақсадида тор-мор этди. Улар бутун Жунғорияни забт этишга эришдилар ва бу аҳолисига нисбатан катта зулм ўтказиш йўли билан амалга оширилган эди. Жунғория аҳолисининг бир қисми, шунингдек олтойликлар ҳам хитойликлар таъқибидан қўрқиб рус чегарасидаги қалъаларда яшашарди.

Жунғориянинг тор-мор этилишидан сўнг шоҳ ҳукумати олтойликларнинг Иртишнинг юқори оқими ва Катунни, Бий бошидаги ерлари ҳамда манзилгоҳларини (Жунғорлар томонидан эгалланган) Россия билан бирлаштиришга муваффақ бўлди⁶⁸.

Рус чегарасига яқин жойда яшаган ва Хитой қўшинларидан жон сақлаётган Олтой зайсанлари 1755-йил кузида чегара раҳбариятига уларни Хитой қўшинларидан ҳимоялаш ва «олий император фуқаролигига қабул қилиш ҳамда империя ичига киргизиш» илтимоси билан мурожаат этдилар. Сенатор Неплюев Сибир ҳарбий раҳбариятига олтойликларнинг чегарага яқин жойда яшашлари учун рухсат беришларига буйруқ беради.

Олтойликларнинг Рус давлати таркибига киритилиши улар учун истикболли воқеа эди, зеро бу кўп асрлар давомида мўғул феодаллари ҳукмронлиги остида ўтган оғир вазиятлардан чиқишларига ёрдам берди. Россия протекторатига ўтиш уларни аста-секин мустамлака халққа айлантирди. Мустамлака сиёсати эса олтойликлар учун оғир жабр-зулмни келтириб чиқарган, аммо олтойликларнинг рус халқи билан яқиндан

⁶⁷ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 178.

⁶⁸ История Алтая. Часть I. Барнаул, 1983, стр. 66, 68.

мулоқоти, шунингдек уларнинг айрим жойларда биргаликда яшашлари олтойликлар маданиятининг бойиб бориши ва тараққиёт йўлида илгарилаб кетишига сабаб бўлган⁶⁹.

XIX асрда олтойликларнинг хўжалиги. XVIII аср ярмида жанубий олтойликларнинг рус фуқаролигига ўтгунга қадар улар натурал хўжалик билан шуғулланишади. Хўжалик фаолиятининг асосий кўринишларидан бири кўчманчи чорвачилик бўлган. Фақат бундан Олтойнинг тайга қисми мустасно эди, зеро бу ерда овчилик билан шуғулланиларди.

Олтойликларда ишлаб чиқариш ҳақидаги батафсил маълумотлар XIX аср материалларида берилган. Жанубий Олтой аҳолисининг кўпчилиги учун етакчи соҳа чорвачилик бўлиб қолаверган. От, қўй, қорамол, эчки, қисман қўтос ва туяларни боқишарди⁷⁰. Чорвага қараш усуллари узоқ вақт давомида олдинги усуллар тарзида сақланар эди. Очiq осмон остида, қишки ва ёзги яйловларни алмаштирган ҳолда молларни боқишарди. Ҳашакларни тайёрлаш доимий тарзда амалга оширилмас ва кўп миқдорда бўлмасди. Олтойликлар сизир, эчки, бияларни соғишарди. Соғиш даври қисқа бўлган – майдан октябргача. Аммо ветеринар ёрдами мавжуд бўлмаган. Шунингдек, аҳоли туёқли ҳайвонлар ови билан ҳам шуғулланган ҳолда Чу даштида – тулки, сувсар ва олмахонни овлашарди⁷¹.

Дехқончиликда жанубий олтойликларда кўплаб архаик қуроллар сақланган, масалан андазын ва абыл. Абыл – бу шундай мотиға эдики, айлана шаклидаги кичкина темир курак бўлиб, қўлда унинг ёрдамида шудгор ишлари амалга ошириларди. Андазын эса анча мукаммаллаштирилган бўлиб,

⁶⁹ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 179-180, 182.

⁷⁰ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 205.

⁷¹ Потапов Л.П. Этнический состав и происхождение алтайцев. «Наука», 1969, стр. 23-24.

отларга қўллашга мўлжалланган эди. Йиғилган ҳосил чарм халтага солиниб, ўтовда сақланарди. Арпа толқонни тайёрлашда ишлатиларди ва ёрма учун майдалаб, «кочо» тайёрланар эди. Толқон ва кочо оддий чорвадорларнинг деярли нони бўлган. Нонларни эса кам ҳолларда буғдой унидан қилишарди.

Жанубий олтойликлар кедр ёнғоғи билан банд бўлишган. Ушбу машғулот катта аҳамиятга эга бўлиб, анча харидоргир эди. Ёнғоқ йиғими техникаси жуда содда бўлган. Шу тариқа олтойликларнинг маълум қисми натурал ёки пул алмашувига тортилган эди.

Жанубий олтойликларда балиқчилик бўлмаган. Саноат уй шароитига асосланган бўлиб, кўпинча чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, наMAT тайёрлаш, тери, эгар ва темирчиликни ўзида ифодаларди. Бу соҳалар чорвачилик билан боғланиб кетарди.

Олтойликларнинг ўтроқ манзилгоҳларида (масалан, Мьюта) XIX асрнинг 80-йилларида қўлқоп тикиш соҳаси ривожланган ва у рус деҳқонларидан ўзлаштирилиб, маҳаллий бозорга мўлжалланган эди.

Асосий транспорт воситаси отлар ҳисобланган ҳамда юк ташиш учун 2 та паст ғилдиракли аравалар хизмат қилган⁷².

Юқоридагилардан кўрсак бўладики, жанубий олтойликларда ишлаб чиқариш ривожланмаган ва оддий меҳнат курулларидан фойдаланилган. Олтойликларда асосий ишлаб чиқариш воситалари кенг маънода ер ҳамда чорва ҳисобланган.

Кўплаб жанубий олтойликларда чорвачилик хўжалигида натурал характер устун эди. Ҳаёт учун керакли барча нарсалар – озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, транспорт воситаси, ҳатто меҳнат куруллари ҳам уй шароитида

⁷²Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 208, 210, 213.

тайёрланарди. Мазкур хўжалик бозор муносабатларига чуқур тортилмаган. Бозорга одатда ортиб қолган чорва ёки (бой олтойликларда) хом ашё маҳсулотлари, мўйна ёки кедр ёнғоғини олиб чиқишарди. Бозордан эса жанубий олтойликлар фабрика матолари, тери, туз, айрим темирчилик буюмлари ва майда-чўйда нарсалар олишарди. Жанубий Олтойда пул муомаласи ривожланмаганди ва ўрнига бир яшар қўчкор (Чу даштидаги теленгитларда) ёки олмахон (Чулышман телесларида) муомалада бўлган. Вербицкийнинг маълумотларига кўра, чулышманлар «подо» деган бирликни ишлатишарди. Подо 40 та олмахонга тенг бўлиб, ушбу ҳисоб қалин тўловида ҳам қўлланиларди.

Жанубий олтойликларнинг шимолий олтойликлардан фарқи кўпинча овқат, кийим, турар жойда кузатилади. Кийим учун материал сифатида рус ва хитойликлар ишлаб чиқарган матолар ҳамда ёввойи ёки уй ҳайвонларнинг терилари хизмат қилган. Шимолий олтойликлар ўзлари тайёрлаган қўпол матодан кийим кийишарди, лекин уларда мўйнали кийимлар бўлмаган. Жанубий олтойликлар учун асосий овқат – сут маҳсулотлари ва уй ҳайвонларининг гўшти бўлса, шимолий олтойликларда эса – балиқ ва ҳайвонлар гўшти эди. Шу билан бирга бир қатор фарқли томонлар жамоат муносабатларида, диний қарашларда, халқ ижодида ва бошқаларда кузатилади⁷³.

Бурханизм. 1904-1905-йилларда Олтойнинг чорвачилик ҳудудларида олтойликларнинг янги «оқ эътиқод» - бурханизм шаклига ўтишнинг диний-сиёсий ҳаракати келиб чиқади.

Ташқи кўринишдан бурхан ҳаракати қуйидагича тасвирланади. Чот Челпанов (жануби-ғарбий Олтойнинг йирик байлари билан қариндошлик алоқаларида бўлган) исмли бир олтойлик чўпон 1904-йил майда ўз

⁷³ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 214-215, 226.

кариндошлари ва яқинларига унинг олдига оппоқ кийимда оқ от устида бир чавандоз келганини эълон қилади. Сирли чавандоз ўзи ҳақида гапирар экан, у Ойрат эканлигини, бир замонлар ўз хоҳиши билан халқини ташлаб кетганини ва тез орада қайтиб келишини айтади. Чотга эса боқиб олган қизи 12 ёшли Чугул орқали олтойликларга бир қатор васият ҳамда насихатларни эълон қилишини буюради. У эски шаман худолари, шаманлардан воз кечиб, янги динга, янги худога – Бурханга эътиқод қилишни талаб этади.

Сиёсий нуқтаи-назардан қизқиш уйғотувчи ушбу насихатлардан айримларини келтириб ўтамиз.

«Христианлар билан бирга бир идишдан овқат емагин. Руслар билан дўстлашма ва уларни урус деб атама, балки чичке пут (ингичка оёқлар) деб атагин...».

«Бир замонлар биз Ойратга итоаткор эдик, энди уни ягона деб биламиз. Русларга душманларимиз сифатида қараймиз. Тез орада уларни ер кўтаролмай, ютиб юборади. Кимда рус пуллари бўлса, уларни порох, кўрғошин сотиб олишга сарфланглар, қолган пулларни эса менинг олдимга олиб келинглар».

Шу вақтдан бошлаб Чот Челпанов ва унинг қизи «оқ эътиқод»ни тарғиб эта бошлашади, олтойликларни шаман худоларига сиғинишларини тугатишга чорлашади. Бир неча кун ўтгач, бутун Олтой бўйлаб чопарлар юборилиб, Теренг водийсида янги илоҳ – Оқ Бурханга сиғиниш кераклиги ҳақида эълон қилинади. Май ойининг охирида ибодат қилишга 500 га яқин киши келиб, улар орасида таниқли олтойликлар: зайсанлар, демичлар ва йирик байлар (Қыштык, Елбадин, Кульжин ака-укалар ва бошқалар) ҳам бор эди. Байлар Чот ва халқ ўртасида воситачилар ҳисобланганлар. Улар

олтойликларга Чотнинг худони кўрганини, тез орада олтойликлар янги шоҳга эга бўлишларини айтишади⁷⁴.

Олтойликларнинг Теренг водийсида тўпланишлари ҳақидаги хабар бий раҳбариятига етиб боради. 23-май куни раҳбарият келиб, оломоннинг тарқалишини буюради. Аммо ҳеч ким кўнмайди ва Чот Челпанов олтойликларнинг ибодат қилишни тўхтатмасликларини, уларда янги шоҳ Ойрат-Япон бўлгани учун бундан кейин рус раҳбариятини тан олмасликларини айтади. Раҳбарият ўз мақсадига етолмагач, қайтиб кетишга мажбур бўлади.

Аммо бурханизмга ўтиш, Теренг водийсида ибодатга тўпланишга бўлган ташвиқот янаям кенг авж олади. Ушбу диний намоиш раҳбарлари ҳар томонга ўз вакилларини юборишар, дўқ-пўписалар, зўравонлик билан тарғибот ишларини амалга оширишарди. Ҳатто қаршилик қилаётган олтойликларни Чот Челпанов ўтови яқинида тошдан қилинган махсус бинонинг устунларига мажбурлаб боғлаб қўйиб, бир неча кунлаб овқат бермай, уришарди ва шу йўл билан уларни шаманликдан воз кечиб, Бурхан-Японни тан олишга кўндиришарди.

Бу намоишлар ҳақида шоҳ ҳокимияти эшитгач, қаттиқ ташвишланади. Томскка телеграмма юбориб, ҳаракатни бостириш учун ҳарбий куч сўрайди. 21-июнь куни эса Чот Челпанов ва унинг қизи, бир нечта зайсанлар, айрим байлар, шунингдек, Кыйтык бай ҳам қўлга олинади. Чот Челпанов 2 йил Бийск қамоқхонасида ўтириб чиқади.

Лекин бурхан култи хизматчилари олтойликларнинг Россиядан ажралиб, Японияга қўшилишини сиёсий тарғиб этишда давом этишарди.

⁷⁴ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 343-344.

Диний аҳамиятига қарамай, бурханизм кўпроқ миллий характерга эга ҳаракат бўлган ва олтойлик буржуа миллатчилари ёрдамида япон империалистлари томонидан ташкиллаштирилди. Бутун русларга қарши қаратилган бу ҳаракат кўпроқ япон разведкасини тарғиб этарди. Раҳбарлари Олтойнинг Россиядан узилиб, Япония таъсири остига киришларини ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишарди. Бу ғояни бурхан қўшиқлари, ибодат сўзларида ифодалашар эдилар⁷⁵.

1916-йилги воқеалар. Империалистик уруш муносабати билан меҳнаткаш олтойликларнинг аҳволи ёмонлашиб кетади. Аҳолининг иқтисодий ҳаёт даражаси тезда тушиб қолади.

1916-йил кузида олтойликларнинг эркак қатлами фронтортида ҳарбий ишга жалб этилган эди, чунки шоҳ ҳукумати 1916-йил 25-июнда сафарбарлик маъносидаги «реквизиция»ни эълон қилган эди. Сафарбарлик тўғрисидаги эълон кўплаб меҳнаткаш аҳолини ҳаяжонга солди. Кўпчилик бунда шоҳ ҳокимиятининг олтойликларни деҳқонларга айлантириш мақсадини кўрарди. Айниқса, ушбу эълон Олтойнинг тоғли районларида рус деҳқонларидан ажралиб яшовчи олтойликларга оғир таъсир кўрсатган. Чунки уларнинг кўпчилиги тоғли Олтойдан ташқарига чиқишмасди ва рус тилини ҳам билишмасди. Бу ҳудудларда саросималик келиб чиқади. Миссионерлар барчани ушбу буйруққа бўйсунтиришга кўндиришарди, аммо меҳнатсевар олтойликларда эса бутун русларга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқарди⁷⁶.

Ишга чақирув олтойликлар орасида нафақат кўркувни, балки инқилобий кайфият кўтарилишига олиб келди. Тез орада шоҳ ҳокимиятига қарши очиқ уруш ва қаршиликларни келтириб чиқарди. Шу кунларда меҳнатсевар

⁷⁵ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 344-348.

⁷⁶ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 367.

олтойликлар бурханли намозга тўпланишмасдан, маҳаллий шоҳ ҳокимиятига қарши курашишга ўтишади. Сафарбарлик олтойликларнинг шоҳ мустамлакачиларига қарши фаол чиқишларига сабаб бўлган. Буни ўрганган А.Г.Данилин ушбу ҳолатни тасвирлар экан, ўзининг «Бурханизм» кўлёмасида шундай дейди: «Сафарбар этилганларнинг ўз пунктларида тўпланишлари тўғрисида буйруқлар олингандан сўнг бир неча кун давомида олтойликлар орасида йиғилишлар бўлиб ўтади. Масалан, Уст-Канда камбағаллардан Челекей Апоятлов, Котлай Сарбачаков, Кымнев ва бошқалар ҳаракатга киришадилар. Турли йўллар билан сафарбарликдан воз кечиш шиори бериб ўтилади. Кўпчилик ўнг кўлдаги бармоқларини кесиб ташлашарди, ҳатто ўз-ўзини ўлдириш ҳолатлари ҳам кузатилган»⁷⁷.

Демак, бу ерда қаршилиқ кучларини меҳнаткаш олтойликлар, асосан кашшоқлар ва батрақлар акс эттиришган эди. Бу воқеалар жараёни шиддат билан борар экан, ҳаттоки кўзғолончилар рус раҳбарияти юборган вакилларга тошлар отишарди. Ушбу воқеалар натижасида сафарбарлик қисқа муддатга тўхтатилган эди. Албатта, шоҳ амалдорлари кейинчалик уни репрессив йўл билан ўтказишга муваффақ бўладилар.

Савол туғилиши мумкин: бу воқеаларда ҳалигача Олтой бўйлаб байлар томонидан «оқ эътиқод» сифатида тарқалган бурханизм қандай роль ўйнаган? Бурханизм меҳнаткашлар учун янги, шу билан бирга хавфли дин шакли бўлган. У нафақат олтойликларнинг миллий-озодлик ҳаракатини ўзида ифодаламаган, балки аксинча олтойликлар орасида табақавий манфаатларни уйғотишни тўхтатган ҳолда реакцион кучга эга эди. Лекин айнаи вақтда бурханизм дин сифатида байлар учун бир томондан рус эксплуататорларига қаршилиқ кўрсатиш учун ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан эса олтойликларни итоатда ушлаб туришга имкон берган.

⁷⁷ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 367-368.

Ҳарбий ишларда бўлиб қайтган меҳнаткаш олтойликларнинг маълум қисми ўзларининг сиёсий ва маданий дунёқарашларини кенгайтириб келдилар, рус халқининг меҳнаткаш қисми билан янада яқинлашиб, улар билан кизиқишлари умумий эканлигини ҳис этдилар.

Февраль инқилоби арафасида Олтойдаги вазият шу тарзда кечган эди. Меҳнаткаш олтойликларнинг шафқатсиз иқтисодий эксплуатацияси миллий зулм билан янаям чуқурлашиб кетар эди. Мустамлака олтойликларда сиёсий ноҳақлик, маъмурий зўравонлик, маданий қолоқликка олиб келган. Буларнинг барчаси эса олтойликлар томонидан шоҳ ҳукуматига нафрат ҳамда меҳнатсевар рус деҳқонларидан ажралиб яшаётган олтойликларнинг барча русларга ишончсизликни келтириб чиқарди⁷⁸.

Февраль буржуа-демократик инқилоби даврида олтойликлар. Маълумки, 1917-йил феввалида Россияда буржуа-демократик инқилоб рўй беради. Февраль инқилоби ҳақидаги хабар меҳнаткаш олтойликлар томонидан хурсандчилик билан кутиб олинади. «Оқ подшоҳ» ўз халқи томонидан ағдариб ташланган эди. Бироқ бу хурсандчилик меҳнаткаш халқ учун айна вақти эмас эди⁷⁹.

Ушбу йирик сиёсий воқеа шу заҳотиёқ Олтой байликлари томонидан фойдаланилди. Бай ва ярликлар (собик зайсан ва шаманлар) гўёки бир неча асрлар олдин қувғинликда яшаган «ўз» халоскорининг келишини тарғиб эта бошлашади ва шу мақсадда олтойликлар орасида «олтин аср» ҳақидаги турли афсоналарни жунғорлар, яъни ҳарбий мўғул хонларининг ҳукмронликлари билан боғлаган ҳолда тарқата бошлаганлар. «Меҳнат овози» номли Барнаул газетаси хабарига кўра, Урсул волостининг (бугунги Онгудай аймак) кўплаб олтойликлари 1917-йил февраль-мартда Мўғулистондан хатлар ола

⁷⁸ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 368,370-372.

⁷⁹ Потапов Л.П. Краткий очерк культуры и быта алтайцев. Облнаниздат, 1948, стр. 27-28.

бошлашади ва уларда олтойликларнинг ҳам улар учун Россия билан кураш олиб борадиган афсонавий Амир-Сана бўлиши тўғрисида хабар берилар эди.

Янги хон келишидан аввал лама, сўнг 17 та тарғиботчи-гегенлар, 700 та ит ва улардан кейин эса руслар устидан хужум қилиши керак бўлган 7000 баҳодирлар келиши лозим эди. Баҳодирлар келгунига қадар эса барча олтойликлар тайёргалик кўриши ҳамда заҳирада отларга эга бўлишлари зарур эди. Ҳаттоки шу йили «буғдой экмаслиги ва катта йўлдан узоқроқ юриши» керак бўлган. Бундай маълумотлардан, яъни турли хил ирим-сиримлар кенг тарқалган олтойликларнинг паст даражадаги тараққиётдан шунини кўриш мумкинки, чет эллик капиталистик вакиллар Олтой аҳолисини ҳаракатга келтириб, уларни Олтойни Россиядан рус халқидан ажратиш ҳақидаги ғояга тайёрлашга уринишганлар. Бу эса олтойликларда миллий туйғуларни йўқотиб, миллий душманликни келтириб чиқаришга асос бўлган эди⁸⁰.

1917-йил март ойининг охирида Муваққат ҳукумат халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақидаги аризани нашр эттирди. Олтойда ушбу ариза юқоридаги буржуа-миллий интеллигенцияси томонидан олинган эди. Бироқ бу ариза бор-йўғи декларация эди. Аслида Муваққат ҳукумат миллий масала соҳасида шох ҳукумати сиёсатини давом эттирарди. У миллат масаласини ҳал этиш ҳолатида эмас эди. Ўзининг мақсадларида Муваққат ҳукумат эски «Ягона ва бўлинмас Россия» шиорини кўтарарди.

Мустабид тузумни ағдаришга қаратилган миллий ҳаракат тўлқини Олтойда ҳам вужудга келди. Бу ҳаракат бошида миссионерлик муҳитида, реакцион руҳда тарбияланган Олтой интеллигенцияси турарди.

1917-йил 1-июльда Бийскда Олтой волости вакиллариининг съезди очилган эди. Биринчи йигилишда 60 та вакил иштирок этиб, съезд раиси этиб

⁸⁰ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 375.

олтойлик-рассом Г.И.Гуркин танланади. Съездда хакас вакиллари ҳам иштирок этишади. Съезд олтига мажлис ўтказиб, унинг биринчисида олтойликларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқарувини тасдиқлаш ҳақидаги масала ҳал этилди. Съезд «Олтой халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилашини тан олиш тўғрисида»ги масалага эътибор қаратиш, уларнинг «мустақил ер бирлиги»га ажратиш ҳақида, унеча эса Бийск ва Кузнецк уездларининг маҳаллий бошқаруви бўйича марказий органни Олтой тоғли дума деб номлаб ташкил этишга қарор чиқарди⁸¹.

Иккинчи мажлисда Олтой тоғли думани ташкил этиш бўйича харажатларни қоплашга қаратилган чораларни топиш ҳақидаги масала кўриб чиқилган. Чу йўлидан молларнинг ҳайдаб ўтилишига солиқ солиш ҳуқуқини олиш учун Думага илтимос билан мурожаат қилишга қарор чиқарилади. Бундан ташқари Дума мустақил тарзда бир қатор даромад манбаларини белгилади (тамаки савдоси, ёнғоқлар сотиб олиш, асалари хўжалиги, саноат, ярмарка ва бозорлардан йиғимлар, келин учун қалин ва бошқалардан).

Учинчи йиғилишда мол-мулкни суғурта қилиш, статистика ва халқ таълими (руҳоний-олтойлик С.Борисовнинг доклади бўйича) ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Тўртинчисида эса кооператив ҳамкорлик, буржуа ҳамкорлик, кооператив иттифокни ташкил этиш ҳамда Тоғли думага сайловлар тўғрисидаги масала ўртага қўйилди. Тоғли думанинг фахрли аъзоси этиб Г.Н.Потанин сайланади.

Бешинчи съезд йиғилишида ер масаласи муҳокама этилган. Докладчилар Бийск уезди вакили А.Лутохин, олтойликлар орасида – руҳоний С.Борисов бўлган.

⁸¹ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 376-378.

Сўнгги олтинчи йиғилишда олтойликлар орасида номзодларни сайлаш тўғрисидаги масала турган. Мазкур йиғилишда Москва митрополити Макариянинг унга Олтойга келиб, яшашга рухсат бериши тўғрисидаги илтимоси кўриб чиқилди, аммо съезд унинг ташрифини зарарли деб билиб, келмаслиги ҳақида қарор чиқарди. Бу съезднинг марказий иқтисодий масаласи ер тўғрисидаги масала бўлган. Лекин Тогли Дума меҳнаткашлар манфаатидан келиб чиқиб ер масаласини ҳал этиш ҳолатида бўлмаган. Агарда уни ҳаётга жорий этиб ҳал этилганда, унда байлар ўзларининг моллари билан Олтойнинг энг яхши водийларини эгаллашган бўлишарди. Меҳнаткаш олтойликлар эса ўз чорваларини тўғри келган жойда ҳайдашга мажбур этиларди.

Юқоридаги миллат масаласини ҳал этишга меҳнаткаш олтойликлар фақат Буюк Октябрь Социалистик инқилобдан сўнг эришдилар⁸².

Шу тариқа Февраль буржуа-демократик инқилоб даврида Олтой буржуа миллатчилиги Олтой байлиги мафкураси асосида шаклланади. Унинг келажакдаги вакиллари эса аввало эксплуататор синфлари манфаатлари билан боғлиқ интеллегенция ҳисобланганлар.

⁸² Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 378, 380.

II боб. Олтой тарихиунослиги

2.1. Олтой тарихи, археологияси ва этнографиясининг ўрганилиши

Олтойликларни ўрганиш бўйича манбалар. Олтойнинг туркийзабон қабилалари ўтмишда ўзининг ёзма ёдгорликларига эга бўлмаган қабилалар турига киради, яъни уларнинг ўз ўтмишларини ёритиб берувчи ёзма манбалари йўқ. Бироқ бу уларнинг тарихини тиклашда бирорта ҳам манба йўқ дегани эмас. Олтой қабилалари тўғрисида қимматли маълумотлар учрайдиган бир қатор манбалар – хитой, византия, форс, рус ва бошқалар мавжуд. Афсуски улар хронологик жиҳатдан маълум давр билан чегараланган. Шунинг учун олтойликлар ҳаётини тарихий жиҳатдан ўрганишда бирламчи ҳисобланган археологик ҳамда этнографик маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, фольклор ва тил ҳақидаги маълумотлар ҳам ёрдамчи манба ҳисобланади⁸³.

Тоғли Олтой ҳудудига тегишли археологик манбаларининг етарли даражада кўп эмаслигини кузатишимиз мумкин. Даврий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, Тоғли Олтой ҳудуди учун палеолит даври ёдгорликлари номаълум, фақатгина Олтойга яқин жойда шимолий тоғ ёнбағирларида (Бий районида) палеолит ёдгорликлари аниқланган холос. Биттасини ҳисобга олмаганда (Куюм дарёси бўйида энеолитнинг қуйи қатлами назарда тутилади) неолит даври ёдгорликлари ҳам аниқланмаган. Тоғли Олтойдаги бронза даври ёдгорликларини эътироф этмасдан илож йўқ. Унинг Афанасьев типигаги ёдгорликлари Куюм, Урсула, Катунини дарёлари бўйлаб аниқланган, лекин унинг Андронов ҳамда Карасук типлари топилмаган. Фақат бронза даврининг охири ҳамда темир даври ёдгорликлари бу ерда анча маълум. Уларга биринчи навбатда илк кўчманчилик (мил.авв.VII – милодий I аср)

⁸³ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 13-14.

давридаги кўрғонларни киритиш мумкин. Олтой учун бу шундай давр бўлганки, унда кўчманчи чорвачилик келиб чиққан ва унда отлар миниб юриш мақсадида фойдаланилган, шунингдек кўчманчиларнинг ўзига хос маданияти ҳам шаклланиган. Мазкур давр археологик ёдгорликларининг асосий кўринишлари кўрғонлар билан бирга ертўлалар, темир даврининг сўнгги босқичларида эса (масалан VII – VIII асрлар) одам фигураси шаклидаги тош ҳайкаллар ҳамда қоятош тасвирлар, қадимги суғориш тармоқларининг қолдиқлари ҳисобланади. Аммо энг кўп материалларни кўрғонлар етказиб беради.

Кўрғонлар бой ертўла жихозларга эга бўлиб, улар хронологик жиҳатдан фарқланади ва уларнинг умумий белгиси марҳумнинг от билан бирга кўмилиши ҳисобланади. Илк кучманчилик ертўлалари нотенглик ҳолатларни ифодалайди⁸⁴.

Кўчманчилар ертўлалари орасидан Олтой маданияти тараққиётининг Майэмир босқичи(мил.авв. VII – V)ни келтириб ўтишимиз мумкин. Шунингдек, С.И.Руденко томонидан қазиб топилган Пазирик кўрғонлари(мил. авв. V – III асрлар) тош кўтарма билан ўралган, улар ўзларининг ўлчамлари билан ажралиб туради. Уларда пол, потолок, бой жихозлар бўлиб, отлар билан бирга кўмилган қабрлар (Пазирик I да 10та от, Пазирик II да 7та от ва х.к.) ҳам кўпдир. Ундан кейин тош ва ердан ташкил топган майда кўтармали кўрғонлар учрайди ва улардаги қабрларнинг шимолий ярмида отлар турфа ва кўпсонли жихозлар билан кўмилган. Мазкур кўрғонлар шубҳасиз бой ва таниқли шахсларга тегишли бўлган. Бундай кўрғонлар Улаган, Урсула ва Бухтарма дарёлари бўйлаб жойлашган.

Албатта бу даврга оид оддий кўчманчиларга тегишли кичкина кўрғонлар ҳам мавжуд бўлган. Уларда ҳам марҳум от билан бирга кўмилган бўлиб, кўмилган жихозлар эса кам ва бир хил бўлган.

⁸⁴ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 13-16.

Пазирик давридаги бой ертўлалар дунё эътироф этган ҳайвонлар услубидаги санъат намуналарига эга бўлиб, Олтойнинг Эрон билан маданий алоқалари ҳақидаги қизиқарли маълумотларни ўз ичига олади. Бу ерда шунингдек темирдан ясалган буюмлар ҳам учрайди⁸⁵.

Навбатдаги муҳим ёдгорликлар гуруҳи VI – IX асрларни, яъни Марказий Осиёнинг шарқий қисмида машҳур Турк хоқонлиги ва унинг сиёсий ворислари бўлмиш уйғурларнинг ҳукмронлик даврини характерлайди. Турк хоқонлигининг келиб чиқиши Олтой ҳудуди ҳамда унда кўчманчилик қилиб юрган туркийзабон қабилалар билан боғланади. Бу даврга оид катта бўлмаган тош қўرғонларнинг маълум миқдори 1935-йил Давлат Тарих музейининг Саян-Олтой экспедицияси томонидан қазиб ўрганилган⁸⁶. Ертўлаларидаги жиҳозлар Олтой туркларининг ўша давр турмуши ҳамда Олтойнинг Хитой билан маданий алоқаларини аниқлашга имкон беради. Жиҳозлар орасида марҳум билан бирга отларни эгар-жабдуқлари билан кўмилганлиги кузатилади, шунингдек қуроллар, кийимлар, зеб-зийнат буюмлари, идишлар ҳам яхши акс этилган⁸⁷.

Археологик ёдгорликлардан одам шаклидаги қоятош тасвирлар ва тош ҳайкаллар аҳамиятга эга. Улар турмуш тарзининг маълум бир ҳолатларини, реал тасаввурларни ўзида акс эттиради. Мисол учун қоятош тасвирларда бир нечта ҳайвонлар ови ифодаланади ва отликларнинг ов қуроллари ҳақида тасаввур уйғотади, тош ҳайкаллар эса кийим-кечак тўғрисида умумий тушунча бериб ўтади. Хусусан одамнинг думалоқ шаклдаги тош ҳайкали қизиқ бўлиб, улар бой олтойлик туркнинг ташқи кўринишини батафсил

⁸⁵ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар.Т.: «Фан»,2007, стр. 74-75

⁸⁶ Киселев С.В. Саяно-Алтайская археологическая экспедиция 1935 г. Сов. археология, № 1, 1936, стр. 92.

⁸⁷ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 16-17.

ёритиб беради, яъни узун кийимда, темир безакли белбоғда ҳамда кичкина шамшир ва қўлда кўзача билан тасвирланган⁸⁸.

Ёзма манбаларга келсак, ўша машхур тошларга битилган Ўрхун-энасой қадимги туркий руний ёзувларни қайд этиб ўтиш лозим. Ушбу руний ёзувлар илк бор Пётр I томонидан 1718-йили Сибирга тадқиқотлар олиб бориш учун жўнатилган ботаник тадқиқотчи Данил Мессершмидт томонидан аниқланган. Аммо улар қабр тоши ва бронза ойна парчаларига битилган бир нечта энасой ёзувларини нашр этган Страленберг томонидангина дунёга машхур бўлди. Мана шу йилнинг ёзида таниқли рус олими ва саёҳатчиси Н.М.Ядринцев Рус Географик жамияти тарафидан илмий командировкада Монголияда бўлган вақтда Орхон водийсида Энасой ёзувларига ўхшаш 2 та катта тош битикли руний ёдгорликларни аниқлади ва бу кашфиёт барча олимларни ҳаяжонга солди, натижада тез орада 2 та йирик экспедициялар ўша томон йўл олди. Улардан бири 1890-йил Фин-угор жамияти томонидан фин этнографи ҳамда археологи А.Гейкел йўл олган бўлса, иккинчиси эса 1891-йил Россия Фанлар Академияси томонидан машхур туркшунос академик В.В.Радлов⁸⁹ раҳбарлигида амалга оширилган. Мазкур экспедиция таркибига Н.М.Ядринцев ва Д.А.Клеменцлар ҳам киритилган бўлиб, ушбу экспедиция Орхон экспедицияси номини олган эди⁹⁰.

Ўрхун-энасой ёдгорликлари нафақат Турк хоқонлигининг ядроси ҳисобланмиш қадимги туркийзабон қабилаларнинг сиёсий тарихи бўйича катта маълумот беради, балки уларнинг ҳўжалиги, маданияти ва турмуш тарзи тўғрисида ҳам тўлиқ маълумотларни ўз ичига олади. Улар Олтой учун ҳам катта аҳамиятга эга. Алоҳида қариндошлик атамалари (ини, ача, келин) олтойликлар орасида бугунги кунда ҳам ўша маънода учрайди. Айрим

⁸⁸ Кубарев Г.В. Культура древних тюрок Алтая(по материалам погребальных памятников). Новосибирск, 2005, стр. 366.

⁸⁹ Радлов В.В. Атлас древностей Монголии, вып. 1 – 4. СПб., 1892 – 1893.

⁹⁰ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 17, 19.

илоҳларнинг (Умай, Ер-Су, Кўк-Тангри) номлари ҳозирги олтойликларнинг диний қарашларида ўша номда ва ўша маънода сақланиб қолган. Шу билан бир қаторда Олтой қабрларида Ўрхун-энасой ёзувларининг ҳам учрайди ва бу каби маълумотлар олтойликларни тарихий ўрганишда қимматли ҳисобланади.

Олтойликлар учун бошқа тилда битилган ёзма ёдгорликлар орасидан шарқий манбаларни олиб кўришимиз мумкин ва уларда Олтой ҳамда унинг аҳолиси тўғрисидаги маълумотлар оз-оздан бериб ўтилган. Бунга биринчи ўринда одатда сулолавий хроникаларда учрайдиган хитой маълумотлари тегишлидир⁹¹. Улар орасида IX асрга оид Тан-шу – Тан сулоласининг тарихидаги қимматли маълумотлар сақланган. Ушбу манбада Олтой туркларининг нафақат сиёсий тарихи, бошқа қабилалар устидан амалга оширилган босқинчиликлари, балки уларнинг ҳўжалиги, моддий маданияти (овқати, кийими, турар жойи, қуруллари ва ҳ.к.), оилавий ва жамоавий муносабатлари, ҳуқуқ, халқ маърифати, диний тасаввурлари ва анъаналари (шу жумладан кўмиш маросими) ва бошқа беназир маълумотлар бериб ўтилади. Бир қанча археологик топилмалар билан тасдиқланган мана шу манбалар уларнинг тўлиқлиги ҳамда турфалиги жиҳатидан биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга айниқса Олтойнинг шарқий қўшнилари – Юан сулоласи (1260 – 1368), Энасой қирғизларига тегишли маълумотларга ҳам эътибор қаратиш керак. Бунда хитой тилида ёзилган Бень-дзи деб номланган манбадаги маълумотлар қисқа бўлса ҳам, ўзимиздаги камёб маълумотларимизни тўлдириб беради⁹².

⁹¹ Бичурин(Иакинф) Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М-Л.: Изд-во Акад. наук СССР, 1950-1953, стр. 256.

⁹² Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 21-22.

Хитой ёзма манбалардан ташқари қадимги туркийлар тўғрисидаги хабарлар византиялик ёзувчилар – Менандр (VI аср) ва Феофилакт Симокатт (VII аср)ларда ҳам учрайди. Уларда дипломатик мақсадда туркларникига борган византиялик элчиларнинг кўрган барча нарсалар тасвирланади. Туркларнинг турмуш тарзи устидан олиб борилган VI асрнинг 60 – 70 йилларга оид бўлган ушбу кузатувлар Олтойни ўрганишда ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Мусулмонларнинг ёзма ёдгорликларидан фойдаланиш имконияти ва даражаси паст. Чунки бир қатор шарқ муаллифлари, жумладан араб географи Ибн-Хавқал (IX), араб сайёҳи Абу Дулеф (X), форсча аноним «Худуд ул-олам» (X), форс географи Гардизий (XI) ва форс тарихчиси Жувайний (XIII) олтойликларнинг ғарбий ёки шарқий кўшнилари (кипчоқлар, кимаклар, энасой кирғизлари) тўғрисида маълумот берадилар. Аммо уларнинг ишларида Олтой ҳақида ҳеч нарсa дейилмаган. Фақатгина таниқли Рашидиддин⁹³ бундан мустасно, зеро у теленгутларнинг турар жойлари ҳақида тилга олади ва уларнинг турмуш тарзидан қисқа ва тасодифий маълумотлар келтиради. Кейинчалик (XVII аср) Хива хони ва тарихчи Абулғози теленгутлар ҳақида тилга олади ҳамда уларни ойратлар ёки қалмиқлар қаторига киритиб хато қилади.

Олтойликлар тўғрисида қимматли қайдлар қадимги мўғул адабиётининг таниқли ёдгорлиги бўлмиш «Юань-чао-би-ши» ёки «Сирла қиссалар»да мавжуд. Унда мўғулларнинг оддий тўпламни акс эттирилиб, Чингизхон империясини тузиш ҳақидаги ҳикояда бир қанча Олтой қабилалари (телеслар, теленгутлар) тилга олинади.

Шунингдек, олтойликларни ўрганишда «Мўғул-ойрат қонунлари» ҳам катта аҳамиятга эга. Бу қонун Халха, Жунғория ва Куку-Нор мўғул князларининг 1640-йилдаги мажлисида қабул қилинган. У олтойликларнинг Жунғорияга буйсуниши давридаги турмуш тарзига ўз таъсирини кўрсатган⁹⁴.

⁹³ Рашидиддин. Сборник летописей, т. I, кн. 1. Изд. АН СССР, 1952.

⁹⁴ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 22.

Энди эса ғарбий ёзма ёдгорликларга эътиборимиз қаратадиган бўлсак, Олтой ва унинг аҳолиси ҳақидаги биринчи рус маълумот берувчи манба сифатида, Д.Н.Анучин⁹⁵ эътироф этганидек, XV аср охири ёки XVI аср бошларига тегишли «Шарқий ўлкадаги одамлар ҳақида» номли қадимги рус қиссасини айтиб ўтиш мумкин. Аммо унинг Об дарёсининг юқори оқимидаги аҳолиси ҳақидаги ярим фантазияли тасвирларини ишончли деб бўлмайди.

Олтой тарихи ва этнографияси бўйича рус ёзма ёдгорликлари берадиган асл ва илк маълумотлар XVII – XVIII асрлар акт материлларида учрайди. Бу ерда Олтой қабиласи ва уруғларининг номлари, уларнинг турар жойлари номлари бериб ўтилади, Олтой туркийзабон қабилаларининг Рус давлати таркибига қўшилиш жараёни, ясоқнинг ўлчами ва характери, турли қабилавий гуруҳларнинг ўзаро ва рус ҳокимияти билан муносабатлари тўғрисида материаллар берилган, ушбу қабилалар ҳўжалиги ҳамда турмуш тарзи тасвирлари учрайди⁹⁶.

Шу ўринда Сибир манбашунослиги бўйича йирик мутахассислардан бири ҳисобланган А.И.Андреевнинг⁹⁷ XVIII аср этнографик иш ва материалларни ўрганиш давомида тўхталиб ўтган хулосасига келсак, у қимматли этнографик маълумотларни ўз ичига олган манбаларнинг асосий гуруҳи бу «эртақлар» ва XVII асрда одамларга хизмат қилган бошқа ҳужжатлар ҳисобланишини таъкидлаган. А.И.Андреевнинг фикрига кўра, улар иккинчи даражали манбалар ҳисобланади, лекин афсуски улар нашр этилмаган, тадқиқ этилмаган ва ҳатто ёзилмаганлиги сабабли Сибирнинг алоҳида халқларини ўрганишда фойдаланишда қийин бўлмоқда. Хеч қандай шубҳа йўқки, унинг таркибида Олтойга тааллуқли маълумот ҳам мавжуд⁹⁸.

⁹⁵ Анучин Д.Н. К истории ознакомления Сибири до Ермака. М., 1890.

⁹⁶ Миллер Г.Ф. История Сибири. М.: Восточная лит-ра, 1999, стр. 412.

⁹⁷ Андреев А.И. Очерки по источниковедению Сибири в. Л., 1940, 385 стр.

⁹⁸ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 23-24.

Олтойликларни ўрганган XVII аср саёҳатчиларидан фақат Лоренц Лянгни айтиб ўтиш мумкин, у бир неча маротаба рус ҳокимиятининг дипломатик ёки савдо вакили сифатида Сибир орқали Хитойга ўтган. Лоренц Лянг ўзининг йўлдаги қайдларида шорцлар турмуши ҳақида қисқа маълумотларни келтириб ўтади.

Шулар қаторида яна олтойликларни ўрганиш билан боғлиқ бўлган иккита машҳур манба ҳам бўлиб, улардан бири бу Пётр I томонидан жунғор хони Цеван-Рабтан ҳузурига жўнатилган Иван Унковскийнинг 1722 – 1724-йиллари йўлда ёзган журналидир. Мазкур журналда телеутлар ҳақида қизиқарли ва қимматли маълумотлар бор. Иккинчиси эса Г.В.де-Генниннинг “Зодагон Акинфий Демидовнинг Томск ва Кузнецк дистриктлари ҳамда Об ва Иртиш дарёлари оралиғида, Убинск, Усть-Каменск ва Семипалатинск қалъалари яқинида заводлар қурган жойлардаги эски қонлар ҳақида” деган йирик ҳажмли қўлёзмаси деб номланган. Де-Геннин ўз қўлёзмасида “тоғларда ва тош тоғлар ортида яшовчи телеуцк халқлари” ҳақида ёзади. У телеутларнинг ҳўжалиги, уларнинг овқати, дини ва ҳаттоки жисмоний типлари(кенг юзли ва ясси татарлар)ни қисқача таърифлайди.

Олтой тарихи, этнографияси ва археологиясини ўрганиш бўйича Г.Миллер⁹⁹ бошчилигидаги иккинчи экспедицияси (1733–1743-йиллар) илмда янги даврни очди. Экспедиция иштирокчиларидан Миллер ва Гмелин(катта)нинг ишлари бевосита Олтой учун қимматли ҳисобланади. Миллер Олтой тарихи бўйича бир қатор янги рус ёзма манбаларни аниқлаб, сақлади ва нашр этди. Миллер улардан ўзининг «Сибирь тарихи» ишида қисман фойдаланди ва унда Олтойнинг баъзи қабилаларига (телеутлар, шорцлар) эътибор қаратди. Гмелин¹⁰⁰ ишларида эса кузнецк татарлари, яъни

⁹⁹ Миллер Г.Ф. История Сибири. М.: Восточная лит-ра, 1999, 630 стр.

¹⁰⁰ J. Gmelin. Reise durch Sibirien von dem Jahre 1733 bis 1743, Bd. I – IV Goltingen, 1751 – 1752.

шорцларнинг турмуш тарзига оид айрим кузатувлар олиб борганини кўришимиз мумкин¹⁰¹.

XVIII асрнинг 70-йилларида Фанлар Академиясининг Сибир халқларини ўрганиш жараёни янгиланди ва бу ўз навбатида Олтойни ўрганишда ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Янги академик экспедиция 1768-йилдан Россия ва айниқса Сибирни ўрганиш бўйича ўз фаолиятини бошлади. Унинг бошида машҳур П.Паллас турган эди. Мазкур экспедициянинг йирик иштирокчиларидан академиклар Фальк, Георги ва Палласнинг ўзи Олтой учун қимматли маълумотлар қолдиришди. Афсуски Фальк¹⁰² ишларида этнографик маълумотлар камроқ ва унда Олтой қабилаларининг диний карашлари ва Чумыш дарёси бўйида яшаган телеутлар турар жойлари тўғрисида кўпроқ маълумотлар учрайди. Палласда эса этнографик тадқиқотлар анча кўпроқ бўлиб, улар шорцларнинг айрим уруғларига тегишли ҳамда уларнинг ҳайвонларни овлашлари, емиш учун ёввойи ўсимликларнинг илдизларини теришлари, шаман эътиқодидан гувоҳлик беради¹⁰³. Энг кўп материаллар Георгида¹⁰⁴ бўлиб, унинг ишларида Олтой қабилаларига тегишли этнографик фактларни учратишимиз мумкин. У Мрасса, Кондома ҳавзалари ҳамда Томининг юқори оқими бўйидаги телеутлар ёки теленгутлар ва шорцларни таърифлаб ўтар экан, нафақат ўз томонидан кузатилган этнографик маълумотларни келтириб ўтади, балки мазкур қабилалар ҳақидаги тўпланган маълумотлардан фойдаланиб, ушбу қабилаларнинг биринчи этнографик таърифини бериб ўтади. Маълум

¹⁰¹ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 23-25.

¹⁰² Записки путешествия акад. Фалька. Полное собрание ученых путешествий по России, изданное Акад. Наук, т. VI. СПб., 1824.

¹⁰³ Паллас П.П. Путешествие по разным провинциям Российского государства, ч.III. СПб., 1788, стр. 489.

¹⁰⁴ Георги И. Описание обитающих в Российском государстве народов.

даражада Георги олтойликлар этнографияси бўйича илк тадқиқотчиларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, Хитой чегарасига яқин жойда яшаган халқлар орасида рус чегарачи комиссар бўлган Егор Пестерев томонидан 1772 – 1781-йиллар олиб борилган қимматли ва аниқ қайдлар катта қизиқиш уйғотади¹⁰⁵.

Юқоридаги манбалар, қайдлардан ташқари Олтойнинг турли қабилаларига тегишли бўлган ва музейларда сақланаётган моддий этнографик буюмлар, экспонатларга ҳам эътибор қаратиш мумкин. Чунки улар бугунки кунда олтойликлар ҳаётидан учиб кетаётган қимматли этнографик маълумот ҳисобланади. Бу каби коллекциялар қуйидаги музейларда сақланади: СССР ФА нинг антропология ва этнография музейи ҳамда Ленинграддаги этнография Давлат Музейида. Уларнинг аксарияти Сибир музейларида ҳам мавжуд. Мазкур қолдиқлар орасида шаман чилдирмалари ва костюмлари катта қизиқиш уйғотади. Олтой этнографияси бўйича қимматли коллекциялар Томск шахрининг музейида сақланади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, олтойликларнинг янги социалистик ҳаётга ўтишлари муносабати билан моддий маданиятнинг кўплаб ибтидоий ҳамда эски шакллари йўқолиб борди ва бу ўз навбатида музейдаги коллекцияларнинг инқилобгача бўлган даврда олтойликлар этнографиясини ўрганиш учун бирламчи манба каби аҳамиятга эга бўлди¹⁰⁶.

Олтой тарихининг ўрганилиши. Буюк Октябр социалистик инқилобига қадар олтойликлар тарихини ўрганиш деярли олиб борилмаган. Ҳатто эски фан ҳам бу вазифани ўз олдига қўймаган эди. Бу ҳолатни Олтой қабилаларининг ўз тарихи бўлмаган деган фикр билан изоҳлаш мумкин. Мисол учун миссионерлар томонидан «Олтойликлар – тарихига эга бўлмаган ибтидоий ҳолатидан зўрға чиққан қабиладир» деб тўғридан-тўғри ёзиб эълон

¹⁰⁵ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 25-26.

¹⁰⁶ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 26-28.

килишарди. Маданий жихатдан қолоқ бўлган қабила ва халқларни тарихан бундай инкор этиш умуман олганда зодагон фанга тааллуқли бўлган. Олтой тарихини тузиш учун тарихий материалларнинг юқорида берилганлардан иборат бўлиши ҳамда уларнинг олдинги олимларга маълум бўлмаганлигидан олтойликлар тарихини ўрганишга бўлган интилиш мавжуд бўлмаган¹⁰⁷. Л.П.Потапов бундай уринишлар қаторига Г.Н.Потанин муаллифидаги олтойликларнинг XVIII асрдаги ҳаётига бағишланган «К.Риттернинг «Осиёнинг ершунослиги»га қўшимчалар» асарини киритишни эп кўрмади. Шунингдек, В.В.Радлов¹⁰⁸ ва С.П.Швецовнинг¹⁰⁹ ишларидаги тарихий маълумотлар ҳам жуда қисқа. Бир сўз билан айтганда олтойликлар тарихи инқилобгача бўлган даврда ўрганилмаган¹¹⁰.

Этнографияси. Олтойликларни этнографик ўрганилишининг бошланишини одатда Олтой бўйлаб XIX асрнинг 20-30-йилларида саёҳат қилган ботаниклар Ледебур¹¹¹ ва Бунге¹¹² (1826) ҳамда геолог Гельмерсен¹¹³ (1834) номи билан боғлаш қабул қилинган. Маълумки, мазкур ботаникларнинг, айниқса Бунгенинг нашр этилган кундаликларида бир нечта этнографик мазмундаги қайдлар учрайди. Бу ерда биз саёҳатчилардан ҳар бирининг ўз йўлида учраган олтойлик зайсанларнинг таърифини топишимиз мумкин. Зайсанларнинг турмуши, кийими, турар жойи, уларга бўйсунувчи

¹⁰⁷ Потанин Г.Н. Материалы для истории Сибири. Чтения, книга 4-я, 1866, стр. 197.

¹⁰⁸ W.Radloff. Aus Sibirien, Bd. I, II. Leipzig, 1884.

¹⁰⁹ Швецов С.П. Кочевники Бийского уезда. В кн.: Горный Алтай и его население, т. I. Барнаул, 1900.

¹¹⁰ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 28.

¹¹¹ K.F.Ledebour. Reise durch das Altai-Gebirge und die songgarische kirgisen Steppe im Jahre 1826 unternommen in Begleitung der Herren D.K. A Meher und D.A. von Bunge, Th. I, Berlin, 1829.

¹¹² A.Bunge. Reise im östlichen Theil des Altai-Gebirges. Berlin, 1830.

¹¹³ J.Helmersen. Reise nach dem Altai im Jahre 1834. Beitrage zur Kenntnis des Russischen Reiches und der angrenzenden Länder Asiens, Bd. 14, 1848.

аҳоли билан муносабатларига ҳам эътиборини қаратган ҳолда Бунге батафсилроқ таърифлар бериб ўтган. Бироқ Бунге бой олтойликларнинг фақатгина турмушини таърифлаш билан чекланмасдан, олтойлик камбағал катламининг турмуши - чорвадорлар ва овчилар, уларнинг хўжалиги, масалан мотигали суғорма дехқончилик ва ҳоказо ҳам унинг эътиборидан четда қолмайди. Бунгедаги кўплаб мулоҳазалар олтойликларнинг эътиқодлари билан боғлиқ¹¹⁴. Унда шаман, шаман чилдирмаси, қурбонликлари ва ҳоказолар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари мавжуд. Лекин Ледебур ва ҳатто Бунгенинг тасодифий маршрутли кузатувлари ва уларнинг кўплиги ҳамда қимматлилиги билан олтойликларнинг этнографик тасвири деб ҳисобланмайди. Бу борада Гельмерсеннинг 1840-йил рус тилида таржимаси чиққан «Телецк кўли ва телеутлар»ини этнографик иш деб ҳисоблашга асос кўп. Тўғри, Гельмерсен телеутлар номи остида кумандинларни тасвирлаб берган эди ва унинг мазкур иши олтойликлар тўғрисидаги биринчи этнографик иш деб ҳам ҳисобланмаслигини эътиборга олиш керак. Бу вақтда олим ва саёҳатчи Григорий Спасскийнинг¹¹⁵ иккита иши нашрдан чиққан бўлиб, мазкур мақолалардан биринчиси ҳақиқатда олтойликлар бўйича биринчи этнографик иш ҳисобланади. Унда у телеутларнинг келиб чиқиши, ташқи кўриниши ва урф-одатлари, турар жойлари, кийими, озиқ-овқати, касб-ҳунарлари, аёлларининг машғулотлари тўғрисида ёзади. Шу қаторда у телеутларнинг ташкил этилиши, вақтни ҳисоблаш, телеутларнинг эътиқоди, шахсий ва жамоавий қурбонликлари, совчилик, қалин, хотинларни ўғирлаш, тўй маросимлари, ажрашиш ҳолатларни кўриб чиқади. Кундалик шаклида берилган иккинчи ишида ҳам Г.Спасский кўплаб этнографик маълумотлар келтириб ўтади. Бу ерда олтойликларнинг овчилик, дехқончилик, чорвачилик билан шуғулланиши,

¹¹⁴ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 30-31.

¹¹⁵ Гр. Спасский. Телеуты и белые калмыки. Сиб. вестник, ч. XIII и XIV, 1821.

хашак тайёрлаш, шунингдек, маконлари, озиқ-овқатлари, мусика асбоблари, дини ва бошқалар тўғрисида гапириб ўтилади¹¹⁶.

Шу тариқа фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, олтойликларнинг этнографик жиҳатдан ўрганилиши Ледебур, Бунге ва Гельмерсен ишларидан эмас, балки Г.Спасскийнинг(ХІХ асрни назарда тутса) эътироф этилган ишларидан бошланади. Бунга ХІХ асрнинг 30-йилларида олтойликларни этнографик жиҳатдан ўрганган бий ижрочиси Гороховни ҳам қўшиш мумкин. Унинг «Бий ёки Олтой калмиқларининг қисқача тавсифи» номли кайдлари ХІХ асрнинг биринчи чораги учун олтойликларни ўрганишда қимматли маколани ўз ичига олади. Бу мақолада олтойликларнинг маъмурий бўлиниши ва бошқаруви, моддий маданияти ва хўжалиги, айниқса оилавий муносабатлар, боланинг туғилиши ва тарбияси, халқ ўйинлари, турли диний анъаналари борасида муҳим маълумотлар бериб ўтади. У келтириб ўтган материалларнинг ҳам мазмуни, ҳам ҳажми жиҳатидан Гельмерсеннинг мақоласидан фарқ қилади.

1842-йили Олтойга ташриф буюрган ва ўзининг саёҳати натижаларини бир неча йиллардан сўнг Парижда нашрдан чиқарган таниқли рус географи ва геологи П.А.Чехачев¹¹⁷ томонидан зайсанлар ва олтойликларнинг бошқа амалдор кишилари билан учрашуви тўғрисидаги қисқача тавсифлари, олтойликларнинг турмуши ва хўжалиги ҳақидаги ёзган алоҳида кайдларини ХІХ асрнинг биринчи ярми учун марказий ва жанубий Олтой қабилалари тўғрисида этнографик маълумотлар кам бўлган шароитда кўздан қочириб бўлмайди¹¹⁸.

¹¹⁶ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 31-32.

¹¹⁷ P.Tchihatcheff. Voyage scientifique dans l'Altai oriental et les parties adjacents de la frontière de Chine. Paris, 1845.

¹¹⁸ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 32.

Олтойнинг туркийзабон қабилалар этнографиясининг биринчи тадқиқотчиси, олтойликларни илмий ўрганиш, тили ва уларнинг оғзаки адабиёти бўйича ташаббускорларидан бири миссионер В.Вербицкий¹¹⁹ ҳисобланиб, бевосита олтойликларни ўрганишга ўзининг 30 йилдан ортиқ умрини бағишлаган. У Олтойнинг турли қабилаларини тили ва турмушини чуқур ўрганиб, 1870-йилда мазкур мақолалар тўпламини умумий «Олтойликлар» номи остида Томскда нашрдан чиқарган. Айнан шу тўпламининг меҳнатларининг ўлмас нашри бўлган «Олтой халқлари» номли иккинчи тўпламига асос бўлди. Бу эса В.Вербицкийга этнограф сифатида ҳам машҳурлик келтирди. Вербицкий биринчи бўлиб илм-фанга Олтой қабиласини уларнинг тили, маданияти ҳамда турмушига қараб шимолий ва жанубийга тақсимлашнинг тўғри ҳамда зарур йўлини киритди. В.Вербицкий дастлаб олтойликларнинг эътиқодини таърифлаб берган, уларнинг матнлари парчаларини босиб чиқарган, ўз ишини олтойликлар атамалари билан бойитган, халқ ижодиёти намуналарини тўплаб, нашрдан чиқарган. Олтой этнографиясининг қимматлилигини В.Вербицкийнинг унинг миссионерлик саёҳатлари давомида юритган кундаликлари намоён этади¹²⁰.

60-йиллар бошида таниқли турколог ва академик В.В.Радлов олтойликларни ўрганишга киришди. У 1860-йил ёзида Радлов, Сем, Урсула, Катунни ва Чу дарёлари ҳавзалари бўйидаги олтойликларни ўрганиб чиқди. Радловнинг илмий саёҳати натижалари унинг «Aus Sibirien» китобида келтирилган бўлиб, биринчи томида «Шимолий Олтой татарлари» ва «Олтой татарлари»нинг уруғдошлик таркиби ҳамда умумий характеристикасидан ташқари чорвачилик ҳудудидаги олтойликлар - «олтойнинг тоғли калмиқлари»нинг этнографик тавсифи батафсил баён этилган. Мазкур томда

¹¹⁹ Вербицкий В. Алтайские инородцы. Сборник этнографических статей и исследований. М., 1893.

¹²⁰ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 33-34.

у телеутлар, шорцлар, Лебеден татарлари (челканлар), кумандинлар ва қора татарлар(тубаларлар)нинг ҳаёти ҳамда турмуш тарзини эътироф этган ҳолда 1861-йилдаги саёҳат кундаликларини ёзиб боради. Китобининг иккинчи томида эса Радлов юқорида қайд этиб ўтилган ўзининг археологик тадқиқотлари натижаларидан ташқари фақат немис тилида кўплаб шаман қарғишларининг матнларини келтириб, «шаманлик»ка таъриф бериб ўтади.

Кўриб ўтиляётган даврда Олтойнинг этнографик ўрганилиши соҳасида Сибир вилоятидан машҳур саёҳатчилар ва олимлар – Г.Н.Потанин¹²¹ ҳамда Н.М.Ядринцев¹²²ларнинг хизматлари катта бўлганини тан олиш зарур. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида олтойликларнинг этнографияси 70-80-йилларда энг юқори даражага кўтарилган эди. Олтойликлар масаласида сўнгги маълумотлар айниқса Н.М.Ядринцев ишида кузатилади. У Олтойнинг алоҳида қабилалари турмуш тарзини таърифлаб, бу масалага анча чуқурроқ ёндашади. Мисол учун Н.М.Ядринцев олтойликларнинг нафақат турмушидаги алоҳида шакллари кўрсатиб ўтади, балки илк шаклланиш, ривожланиш ва ўтиш босқичларини айтиб ўтади. Бу ерда Олтой қабиласининг маданиятини ўрганишда тарихий ёндашув талаб этилиб, унинг эволюциясини қайд этиш мақсадида Ядринцев биринчилардан бўлиб олтойликлар маданиятининг илк элементларини илмий жиҳатдан тавсифлаб берган¹²³.

А.В.Адрианов¹²⁴ томонидан шимолий олтойликлар устидан олиб борилган этнографик тадқиқотлар 80-йилларга тааллуқлидир. Бу тадқиқотчи кўп

¹²¹ Потанин Г.Н. Очерки северо-западной Монголии. СПб, 1881-1883, 425 стр.

¹²² Ядринцев Н.М. Об алтайцах и черневых татарах. Изв. Русск. Географ. общ., т. XVII, 1881, 254 стр.

¹²³ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 35.

¹²⁴ Адрианов А.В. Путешествие на Алтай и за Саяны в 1883 г. Зап.-Сиб. отд. Русск. Географ. общ., кн. VIII, вып. II, Омск, 1886, 92 стр.

маротаба Олтойнинг шимолий ҳудудларига ташриф буюриб, ўзининг кундаликларида асосан шорцлар ҳамда челканлар тўғрисида бир қатор янги ва қимматли этнографик маълумотларни нашр этган. Аммо С.П.Швецовнинг тадқиқотлари кўпроқ аҳамиятга эгадир. 1897-йили С.П.Швецов¹²⁵ олтойликларнинг ер тузилиши масаласи муносабати билан Олтой тоғ округи бошқармаси томонидан ташкил этилган олтойликларни ўрганиш статистик-иқтисодий экспедициясини эълон қилган. Мазкур экспедициянинг биринчи режасига Бий уездининг жанубий қисмидаги Олтой аҳолиси ҳаётининг умумий шарт-шароитлари ҳақидаги муаммоларни ёритиш масаласи киритилган эди. Бутун материал «Тоғли Олтой ва унинг аҳолиси» умумий номи остида 4 томда нашр этилган бўлиб, биринчи томи Швецовнинг асосий иши бўлмиш Бий уездининг кўчманчи олтойликларига бағишланган. Шох даргоҳининг олтойликлардан энг йирик ерларни тортиб олиб, ғазнага топшириш ҳисобига йирик ер фондини ташкил қилишдек асосий мақсадни илгари сурган ер тузилишини ўрганиш ниятида бўлган С.П.Швецов бу ишида олтойликларнинг кўчманчи бўлиб яшаётганларини исботлашга ҳаракат қилган.

Аввало айтиб ўтиш лозимки, рус олимлари кўпинча олтойликлар орасида расмий фан вакиллари сифатида эмас, балки объектив кузатувчилар сифатида иш олиб боришган. Энг қизиғи, олимлар хонликдан эзилган олтойликларнинг ҳимоячилари ва дўстлари сифатида намоён бўлишган. Рус олимларининг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилган бундай аниқ этнографик кузатувлари ҳамда тадқиқотлари олтойликларни ўрганишда фанга катта хизмат қилган. Улар моҳиятан олтойликлар тарихи ва уларнинг маданиятини ўрганиш учун қимматли манба бўлиб хизмат қилди. Олтойнинг тарихийлик жихатидан ўрганилганлиги Ўрта Осиё шарқий қисмининг

¹²⁵ Швецов С.П. Кочевники Бийского уезда. В кн.: Горный Алтай и его население, т. I. Барнаул, 1900.

маданияти тарихига аҳамиятга молик ҳисса бўлиб қўшилган деб ҳисобланади¹²⁶.

Юқорида тилга олинган этнограф тарихчиларнинг тадқиқотлари асосида ўрта аср олтойликлари тўғрисида қуйидаги қисқача маълумотлар келиб чиққан. Олтойликларнинг ўрта асрлардаги турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёти ва маданияти ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, олтойликлар шимолий ва жанубий олтойликларга бўлинган. Жанубий олтойликларга қуйидагилар кирган:

1. Теленгитлар. Чу ва Аргут ҳавзалари бўйлаб жойлашган ҳамда ҳудудига кўра умумий теленгит номидан ташқари чу-кижи, яъни Чу дарёсининг одамлари деб ҳам аталганлар.
2. Олтойликлар (олтой-кижи). Катунининг ўрта оқими ва унинг баъзи қирғоқлари бўйлаб ўрнашган эдилар. Мазкур олтойликлар орасида Майма дарёсининг аҳолиси бўлган майма-кижи ёки маймалар каби ҳудудий бирликлар ҳам ажралиб турган.
3. Телеслар. Асосан Чулышман, Башкаусу ва Улаган дарёларида яшашган ва уларни улаан-кижи, яъни Улаган дарёси одамлари деб номлашган.
4. Телеутлар. Черге, Майма ва бошқа дарёлар бўйлаб ўрнашган эдилар. Уларнинг катта қисми Тоғли Олтойдан ташқарида жойлашган эдилар.

Шимолий олтойликларни қуйидаги уруғ-қабилавий гуруҳларга боғлаш қабул қилинган:

1. Тубаларлар (туба-кижи). Катта ва Кичик Иши, Сара-Кокши, Уйменя каби дарё водийларини эгаллашган эди.
2. Челканлар. Лебед дарёси ҳавзаси ва Байгол қирғоғида ўрнашган эдилар. Улар ўзларини куу-кижи, яъни Лебед дарёси одамлари деб аташган.

¹²⁶ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 38-39.

Шунинг учун этнографик адабиётларда улар лебединлар номи билан ҳам берилади.

3. Кумандинлар. Лебед дарёсининг қуйисида Бий қирғоқлари бўйлаб яшашган.
4. Шорцлар. Томи дарёсининг юқори оқимида Кузнецк Олатоғида истиқомат қилишган.

Жанубий олтойликлар XIX асрнинг иккинчи ярмида 3 та уруғ-қабилавий гуруҳларга бўлинган эди. Г.Н.Потанин ўзининг саёҳати давомида уларнинг Олтой, Теленгит ва Телесда жойлашганини таъкидлаб ўтган¹²⁷.

Жанубий ва шимолий олтойликларнинг санаб ўтилган ҳар бир гуруҳи уруғлардан тузилган эди (олтой тилида уруғ сўзи «сеок» сифатида берилиб, «суяк» маъносини берган). 1897-йилги маълумотларга кўра, теленгитлар ва телесларнинг қуйидаги 15 та сеоклари қайд этилган:

1. Кобёк.....	1039 киши	21.96%
2. Сагал.....	919	19.43
3. Алмат.....	551	11.65
4. Телес.....	450	9.51
5. Кыпчак.....	436	9.22
6. Оргончи.....	256	5.41
7. Титас.....	253	5.34
8. Ябак.....	246	5.20
9. Могол.....	205	4.33
10. Тонгжоан.....	128	2.71
11. Мундус.....	75	1.59
12. Иркит.....	73	1.54
13. Кергиль.....	54	1.14
14. Соен.....	39	0.82

¹²⁷ Потапов Л.П. Этнический состав и происхождение алтайцев. «Наука», 1969, стр. 21.

15. Меркут.....5 0.11

Маъмурий жиҳатдан 7 та Олтой дүчиналарда яшаган олтойликлар(олтой-кижи)да 36 та сеок-уруғлар қайд этилган бўлса, тубаларларда эса сеоклар қуйидагича бўлган¹²⁸:

1.	Комдош(Кондош).....1038 киши	23.9%
2.	Юсь.....621	14.3
3.	Чагат.....514	11.8
4.	Тогус.....497	11.4
5.	Кузен.....451	10.4
6.	Ярык.....424	9.8
7.	Тентерек.....260	6.9
8.	Тибер.....228	5.3
9.	Ялан.....96	2.2
10.	Чор.....51	1.2
11.	Танды.....46	1.1
12.	Юуты.....31	0.7
13.	Тертас.....19	0.4
14.	Санмай.....18	0.4
15.	Мундус.....12	0.3
16.	Тастар.....8	0.2
17.	Кергиль.....5	0.1
18.	Соен.....5	0.1
19.	Байлагас.....5	0.1
20.	Педебеш.....5	0.1
21.	Сарыглар.....3	0.1
22.	Дъети-Сары.....3	0.1

¹²⁸ Потапов Л.П. Этнический состав и происхождение алтайцев. «Наука», 1969, стр. 21-24.

Жанубий ва шимолий олтойликларда антропологик фарқ ҳам кузатилган. Масалан, жанубий олтойликлар тувин, бурятлар, мўғуллар, якутлар каби кўпинча монголоид, аниқроғи, Марказий Осиё ва Жанубий Сибир типига мансуб бўлишган. Шимолий олтойликларда эса монголоид белгилари нисбатан заиф бўлиб, уларда кўпроқ европоид белгилари устун бўлган. Шимолий олтойликлар угор ва самодий халқлари сингари урал типига мансуб бўлишган.

Челканлар 2 та уруғдан ташкил топган: Чалканығ ва Шакшалығ. Юқори кумандинлар ўз ичига Со (ёки Солу) ва Кубанни, қуйи кумандинлар эса 4 та Тастар, Чооты (Йоты), Чабат ва Тон (Тонг) уруғларини олган.

В.Радлов томонидан олинган телеутлар ҳақидаги маълумотлар бўйича телеутлар XIX асрнинг 60-йилларида 2 қабилага бўлинади: телеутларнинг ўзи ва ак-киштимлар. Телеутлар ўз навбатида қуйидаги уруғларни ўз ичига олган эди: Торо, Очу, Меркит, Чорос, Сарт, Кыпчак, Найман, Телес, Торгул, Мундус, Тодош, Парат, Чалман. Ак-киштым телеутлари Жоты (Чооты), Тёрт-Ас, Анг ва Чунгус каби уруғларга бўлинган эди. Замонавий олтойликларнинг XIX аср охиридаги гуруҳлари таркиби ана шундай бўлган¹²⁹.

1897-йилги маълумотларда Олтой телесларининг сеокларга бўлиниши қайд этилмаган эди. Улар фақатгина теленгитлар ва жанубий олтойликлар орасида жойлашган уруғ сифатида Телес номи билангина берилиб ўтилган. Бунга телесларнинг этнографик жиҳатидан яхши ўрганилмагани сабаб бўлган.

Агар жанубий олтойликлар учун асосий ҳаракат воситаси от бўлган бўлса, шимолликлар учун эса ёзда қайиқ ва қишда чанғи бўлган. Жанубий олтойликларда оғзаки халқ ижоди бу қахрамонлик эпослари бўлса, шимолликларда эса турмуш тарзини акс эттирадиган ва фантастик характерга эга бўлмиш эртаклар, ҳикоялар, афсоналар, ривоятлар ва кўпинча

¹²⁹ Потапов Л.П. Этнический состав и происхождение алтайцев. «Наука», 1969, стр. 24.

хайвонлар тўғрисидаги ҳикоялар ҳисобланган. Шимолий олтойликларда фольклор мазмунини ов манзаралари ташкил этган. Ҳаттоки диний карашлари ва шаманизмда ҳам фарқлар бўлган. Жумладан, жанубий олтойликларда шаманизмда от асосий рол ўйнаган ва уни ибодат вақтида курбонлик қилишарди. Шимолда эса улар учун айиқ аҳамиятли ҳисобланган¹³⁰.

Олтой археологиясининг ўрганилиши. Олтой археологиясининг ўрганилиши ўтган мингйилликнинг 60-йилларини, яъни В.В.Радлов¹³¹ томонидан биринчи марта катта қўрғонларни қазиб ишлари олиб борилган даврни ўз ичига олади. Олтойдаги қадимги қўрғонларни очишга бўлган уринишлар Радловгача ҳам амалга оширилган ва улар ҳақидаги қисқа маълумотларни Ледебур, Бунге, Гмелин, Менье ва бошқаларнинг ишларида топиш мумкин. Аммо ушбу алоҳида, тасодифий, шунингдек тугалланмаган қазилмаларнинг барчаси деярли илмий аҳамиятдан маҳрум этилган эди.

В.В.Радлов сўнгги бронза ва темир давларидаги кўплаб қабрларни аниқлади ва афсуски катта миқдорда ёмон документация килинган ҳамда охиригача тадқиқ этилмаган моддий ашёларни қазиб аниқлади. Радловнинг археологик қазилмалари райони ҳозирги Онгудай аймағидаги Урсула дарёси водийсини, Кош-Агач аймағидаги Чу даштини, Усть-Коксин аймағидаги Катанда яқинидаги Уймон даштини ва Бухтарма дарёсининг юқори оқимидаги Берель даштини эгаллайди. Бундан ташқари, Радловга Олтой археологик ёдгорликларининг биринчи классификацияси учун ҳам миннатдор бўлишимиз лозим: у уларни бронза ва темир даври ёдгорликларига бўлди. Шу билан бирга Радлов хизматлари қаторига унинг биринчи бўлиб Олтой ҳамда Саяннинг қадимги аҳолиси маданияти тўғрисидаги Хитой сулолавий хроникаси билан бирга олинган материални боғлаганини ҳам киритиш мумкин. Шунингдек, Радловнинг Сибир

¹³⁰ Потапов Л.П. Этнический состав и происхождение алтайцев. «Наука», 1969, стр. 25, 29.

¹³¹ W.Radloff. Aus Sibirien, Bd. II. Leipzig, 1884.

археологик материалларини нашр этишдаги шиддатли фаолияти ҳам унинг катта хизматларидан бири ҳисобланади¹³².

Радловдан ташқари инқилобгача бўлган давр тадқиқотчиларидан фақат иккитасини қайд этиб ўтиш мумкин, зеро уларнинг ишлари Олтойнинг археологик ўрганилишида илмий аҳамиятга эга. Улардан биринчи навбатда 1911-йил ёзида Олтой ғарбида Бухтарма ва Нарым дарё тизимларида ҳамда Олтойнинг жануби-ғарбидаги бошқа районларида иш олиб борган А.В.Адриановни¹³³ айтиш мумкин. Адрианов 14 та қўрғонларни қазиб, илк кўчманчилар давридаги бир қатор ёдгорликларни тадқиқ этди, шунингдек яна бошқа ёдгорликларни ҳам тасвирлаб берди – қоятош тасвирлар, одам шаклидаги тош ҳайкаллар. Иккинчи тадқиқотчи эса фин географи Гранэ¹³⁴ бўлиб, у 1909-йил Олтой тоғларида кенг тарқалган археологик ёдгорликларни ўрганди.

Шулар қаторига Олтойнинг яқин ва олис тоғларида олиб борилган археологик тадқиқотларни ҳам киритиш мумкин, аммо қисқача қилиб айтганда бир қатор археологик коллекциялар Тоғли-Олтой, Бийск, Барнаул, Томск шаҳарларининг музейларида, шунингдек, Москвадаги Давлат Тарих музейи, СССР ФА антропология ва этнография Музейи ҳамда Ленинграддаги этнография Давлат Музейида сақланади ва инқилобгача бўлган давр Олтойининг археологик ўрганилишига ёрдам бериши мумкин. Шулардан ҳозирги кунда Давлат Тарих музейида сақланаётган ва В.В.Радлов томонидан тўпланган материаллар алоҳида аҳамият касб этади¹³⁵.

¹³² Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 28-30.

¹³³ Адрианов А.В. К археологии западного Алтая. Изв. Археол. комиссии, вып. 62, Пгр., 1916.

¹³⁴ J.G.Granö. Archäologische Beobachtungen von meiner Reise in Süd Sibirien und der Nordwestmongolei im Jahre 1909. Journ. Soc. Finno-Ougrienne, XXVIII, Helsingfors, 1912.

¹³⁵ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 30.

2.2. Совет даври ва Фарб олимларининг Олтой тарихшунослигидаги фаолиятлари

Олтойнинг археологик ёдгорликлари тўғрисидаги маълумотлар XVII – XVIII асрнинг биринчи чорагида рус манбалари ва саёхатчиларнинг ёзувларида учрайди. Бу маълумотлар савдогарлар ва элчиларнинг хабарлари бўлиб, улар доим ишончлилиги билан ажралиб туради. Олтойнинг ёдгорликларини ўрганиш биринчи навбатда Санкт-Петербург Илмий Академиясининг диққатини тортди. Уларни ўрганиш учун XVIII асрнинг 2-ярмида Сибирда ва Олтойда Д.И.Мессершмидт¹³⁶, Г.Ф.Миллер¹³⁷ ва П.С.Паллас¹³⁸ томонидан экспедиция ташкил қилинди. Бундан ташқари маҳаллий маъдан қидурувчилар Головин ҳамда Ф.Риддер Олтойнинг бир канча туманларини тадқиқ қилдилар ва археологик ёдгорликлар ҳақида маълумот бердилар. 1771-йил Илмий Академиянинг П.С.Паллас раҳбарлигидаги табиий-географик экспедицияси ўлканинг археологик ёдгорликларини тадқиқ этди.

Бу даврда анча катта кашфиётлар Давлат этнография Музейининг Олтой экспедицияси томонидан амалга оширилган эди. Булар 1929-йил С.И.Руденко¹³⁹ ҳамда М.П.Грязновлар¹⁴⁰ томонидан амалган оширилган Пазирик қўрғони қазилмалари ҳамда 1927-йил М.П.Грязнов қовлаган Шибин қўрғони (Урсул дарёси) натижалари ҳисобланади. Мазкур қўрғонлардаги асл

¹³⁶ Messerschmidt D.G. Forschungsreise durch Sibirien 1720 – 1727. Teil I. Tagebuchaufzeichnungen 1721 – 1722. Berlin, 1962.

¹³⁷ Миллер Г.Ф. История Сибири. М.: Восточная лит-ра, 1999, 630 стр.

¹³⁸ Паллас П. Путешествие по разным провинциям Российского государства, ч. III. СПб., 1788, 620 стр.

¹³⁹ Руденко С.И. Погребение человека каменного века в восточном Алтае. Природа, № 5 – 6, 1926.

¹⁴⁰ Грязнов М.П. Первый Пазырыкский курган. Изд. Гос. Эрмитажа, Л., 1950.

ва кўплаб материаллар ҳали кўп вақт давомида турли хил тадқиқотлар учун керак бўлади¹⁴¹.

1935-йил Г.П.Сосновский¹⁴² раҳбарлигидаги Давлат этнография Музейининг экспедицияси олиб борган қазилмалар натижасида сўнгги палеолит ёдгорликлари аниқланиб ўрганилган. 1927-йилда эса Л.П.Потапов томонидан Тоғли Олтой ҳудуди учун номаълум бўлган Урсул дарёси бўйида Афанасьев типидagi биринчи ёдгорлик аниқланиб, қисман тадқиқ этилган. Тез орада С.И.Руденко, Г.П.Сергеев, С.В.Киселев ва Г.П.Сосновский ишлари мазкур ёдгорликлар топилмалари доирасини кенгайтди ва бу Тоғли Олтойнинг мил.авв.III мингйиллик охири ва II мингйиллик бошларидан бошлаб аҳолисини ўрганишни бошлашга имкон берган. Эндиликда Олтойнинг қадимги аҳолиси маданияти хусусиятлари, бу ерда чорвачиликнинг келиб чиқиш вақтини аниқлашнинг ҳам имкони туғилди. Совет даврида Олтойдаги археологик тадқиқотлар натижасида Турк даври(VII – IX асрлар)даги қўрғонлар бўйича катта ва аниқ материал қўлга киритилган эди. Тадқиқот Давлат тарих музейи, моддий маданият тарихи Академияси ва Давлат этнография Музейи экспедициялари томонидан амалга оширилганди.

Хусусан С.В.Киселев¹⁴³ тадқиқотлари ёрдами билан Л.А.Евтюхова, С.М.Сергеев ва бошқалар иштирокида Олтой тарихининг қизиқарли даврини ёритувчи ёдгорликлар орқали Олтой археологияси бойиди. Ушбу давр тарихи учун катта аҳамиятга эга бўлган ишлардан яна бири бу С.И.Руденко ҳамда А.Н.Глуховнинг “Олтойда Кудырге қабри” номли ишидир. Улуғ Ватан урушидан кейин С.И.Руденко Пазирик қўрғонлари қазилма ишларини давом

¹⁴¹ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 43-44.

¹⁴² Сосновский Г.П. Палеотическая стоянка у с. Сrostки на р.Катуни. Матер. и исслед. по археологии СССР, № 2, Л., 1941.

¹⁴³ Киселев С.В. Саяно-Алтайская археологическая экспедиция 1935 г. Сов. археология, № 1, 1936, 284 стр.

эттирди ва археология илмини янада бойитди. Бирок Эрмитажда сақланаётган ушбу материалларнинг кўпчилиги ҳали чоп этилмаган эди.

Бу даврда Олтой бўйича археологик ишлар чегарадан ташқари амалга оширилмагани учун ҳам совет давридаги Олтойнинг археологик ўрганилиши натижалари катта аҳамият касб этган. Фақатгина 1887 – 1889-йилларда Сибир ва Мўғулистонга экспедиция уюштирилган вақтда тўпланган И.Аспелиннинг археологик материаллари ва чоп этилган хатларни ўз ичига олган фин нашри бундан мустасно. Мазкур материалларнинг бир қисми бевосита Олтойга оид. Унинг кириш қисмида Олтойдан Балтика денгизигача – “Буюк Финляндия” ҳақидаги масалани қўйиб, уни “илмий асослаш” умидида Олтой финнларнинг “қадимги ўлкаси” эканлиги ёзилади. Аммо ушбу “концепция” илм-фан билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас¹⁴⁴.

Энди эса совет даврида олтойликларнинг этнографияси ҳамда тарихи ўрганилишига эътиборимизни қаратамиз. Бу борада совет тадқиқотчиларининг муваффақиятларини айтишга асос бор. Совет этнографлари аввало олтойликларнинг этнографик ўрганилиши соҳасини кенгайтирганлар. Улар Олтойнинг барча туркийзабон қабилалари этнографиясини ўрганиб чиққанлар. Айниқса Олтойнинг турли қабилаларининг оилавий-уруғчилик тузилиши бўйича кўплаб материаллар тўпланган. Зеро, олтойликлар ҳаётининг бу соҳаси совет давригача у қадар маълум эмас эди. Ҳозирги кунда алоҳида камчиликларига қарамай Н.П.Дыренкова¹⁴⁵, С.А.Токарев¹⁴⁶, Л.П.Потапов¹⁴⁷ ва бошқаларнинг ишлари билан бир қанча материаллар илмий жиҳатдан системага келтирилган ва изоҳланган. Бундан ташқари, олтойликлар ижтимоий муносабатларининг

¹⁴⁴ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 44-45.

¹⁴⁵ Дыренкова Н.П. Род, классификационная система родства и брачные нормы у алтайцев и телеутов. Сб. «Материалы по свадьбе и семейно-родовому строю народов СССР», Л., 1926.

¹⁴⁶ Токарев С.А. Докапиталистические пережитки в Ойротии, Л., 1936.

¹⁴⁷ Потапов Л.П. Очерки по истории Ойротии. Новосибирск, 1933.

ўрганилишига ҳам биринчи марта эътибор қаратилган. Илк бора олтойликлар тарихида буюк рус халқининг аҳамияти ва роли тўғрисидаги илмий масала кўйилган эди. Шунингдек, тадқиқотчилар диққатини олтойликлар ҳаётидан 1916-йилги бурхан ҳаракати каби воқеалар ҳам тортган бўлиб, совет олимлари бу йўналишда тадқиқот ишлари олиб боришган. Ушбу олимлар саъй-ҳаракатлари билан маданий жиҳатдан қолоқ бўлган қабила ва уруғлар, жумладан ўз ёзувига эга бўлмаган олтойликларнинг ҳам аниқ тарихини ўрганиш мумкинлиги исботланган. Албатта бунда манбаларнинг комплекс тадқиқотларини (археологик, антропологик, этнографик, ёзма тарихий, фольклор ва ҳ.к.) қўллаш лозим. Шулар қаторига яна олтойликларнинг диний эътиқодларини ҳам қайд этиб ўтиш лозим, чунки совет давригача бу масала тадқиқотчилар эътиборини жалб этмаган эди деб айтиб бўлмайди. Лекин барибир олтойликларнинг бу томони кам ўрганилган¹⁴⁸. Бу соҳада А.В.Анохин¹⁴⁹ иш олиб борган бўлиб, унинг асосий иши – «Олтойликларда шаманлик бўйича материаллар» ҳисобланади ва ундаги маълумотлар ҳам бугунги кунгача асосий иш саналади. Анохин олтойликларнинг диний эътиқодлари масаласига тизимлилиқ ва аниқлик киритган, айниқса илм-фанни янги қимматли фактлар билан бойитди.

Бироқ А.В.Анохиннинг йирик ишига қарамай, унинг камчиликларини ҳам қайд этмасдан илож йўқ: илмий таҳлил йўқ ва тўпланган материалларни назарий англаш ҳам мавжуд эмас. Бу айниқса бошқа совет олтойшунос-этнографларнинг ишлари келиб чиққандан сўнг аниқ булди. Лекин бу ишларнинг бошқа муҳим жиҳати бўлиб, улар олтойликларнинг диний қарашларини умумий назарий саволлар билан боғлашарди, масалан генезис ва диний тасаввурларнинг турли шакллари билан. Совет тузумининг қуйган шартлари билан бирга олтойликларнинг маданий тараққиёти уларнинг илк

¹⁴⁸ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 45-46.

¹⁴⁹ Анохин А.В. Материалы по шаманству у алтайцев. Л.: Рос. Акад. наук, 1925, 245 стр.

диний карашларини тезда ўзгартириб юборди. Шунинг учун олтойликларнинг йўқолиб бораётган бу эски ёдгорликларини зудлик билан ўрганиш лозим эди. Шу тариқа илм-фанда илгари номаълум бўлган диний культлар (айиқ култи, тоғ култи ва х.к.), кўплаб анъаналар ҳамда эътиқодлар (шаман чилдирмасини тайёрлаш ва жонлантириш, овчилик эътиқодлари) ва яна бошқа бир қатор диний тасаввурлар аниқланиб, ўрганилган. Шунингдек, янги диний шакл ва бурханизм култи ёки жанубий олтойликлардаги ақ жан(ок эътиқод)ни ўрганишга жиддий киришилганди. Айниқса бурханизмни А.Г.Данилин асосли ўрганган. Собик бурханизм марказларига кўплаб саёхатлари давомида Данилин унинг культ ҳамда ижтимоий томонларини батафсил ўрганди. Унинг бу иши номзодлик диссертацияси учун ҳимоя қилинган эди, аммо ханузгача чоп этилмаган¹⁵⁰.

XIX асрдан эътиборан Олтойнинг қадимги ёдгорликларини ўрганиш бўйича янги босқич бошланди. Немис географи А.Гумболдт 1829-йили Олтойда бўлиб, Геродот афсоналаридаги кўлида олтин маъдан ушлаганлар Олтой ҳудудида яшашган деган фаразни илгари сурди. Олтойнинг қадимги тарихи бўйича салмоқли ишлар Г.И.Спасскийга тегишли. Унинг диққатини биринчи галда қадимги Олтой ёзувлари жалб этди. Унинг фикрига кўра, тарихий ёдгорликлар ўлкани ўрганиш бўйича биринчи манба ҳисобланади ва унда ёдгорликларнинг қай тарзда сақланиши ҳақидаги илк савол пайдо бўлди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Олтойда кенг кўламдаги археологик қазишмалар бошланади. 1865-йил академик В.В.Радлов Онгудай қишлоғи бўйидаги Урсул дарёси, Чуй даштидаги Табажек дарёси бўйида, Уймон водийсидаги Катанда қишлоғи яқинида, Берал даштидаги Бухтарма дарёлари бўйларида археологик ёдгорликларнинг қазиш ишларини ташкил этди.

¹⁵⁰ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 46-47.

Археологик ёдгорликларга нисбатан қизиқиш натижасида XIX асрнинг 70-йиллари охири – 80-йиллар бошларида Н.М.Ядринцев, Г.Н.Потанин экспедициялар ташкил қилишди. XIX асрнинг 80-йиллари бошларида қадимги Сибир бўйича машҳур тадқиқотчи А.В.Адрионов бошчилигидаги экспедиция Чулишман, Ян-Улаган, Башкаус водийларининг дарё бўйларидаги археологик ёдгорликларни тадқиқ этди. Кейинги XIX асрнинг охири - XX аср бошларида С.И.Гуляев, М.Д.Копитовлар изланишлар олиб боришди. 1924 – 1929-йилларда Тоғли Олтой воҳаси ва Об дарёсининг юқорисида Рус Музейининг Этнография бўлими С.И.Руденко бошчилигидаги экспедиция ташкил этди ва улар турли даврлардаги ёдгорликларни ўрганиш билан бирга машҳур Пазирик қўрғони устида кенг қўламдаги тадқиқот олиб боришди¹⁵¹. Тоғли Олтойда ва тоғ олдида кўпгина археологик экспедициялар ташкил этилди, шулар жумласидан: Давлат Тарих Музейининг Саян-Олтой археологик экспедицияси ва машҳур археолог С.В.Киселев раҳбарлигидаги Тарих Институти тадқиқотчилари томонидан 1934, 1935, 1937-йилларда экспедициялар ўтказилди. Бу экспедиция томонидан Афанасеев маданияти, гунно-сарматлар даври ва қадимги туркийлар даври тадқиқ этилди. Урушдан кейинги даврда С.И.Руденко ўзининг ишларини Пазирик, Башадар ва Туектин қўрғонлари ҳамда Уст-Кан ғоридаги палеолит манзилгоҳини тадқиқ этиш билан давом эттирди. М.А.Грязнов ундан олдинроқ Н.С.Гуляев ўрганган Топчин туманидаги Большая Речка қишлоғидаги археологик ёдгорликларни мукамал тадқиқ этди.

Бу ишларнинг натижалари 50 – 60-йилларда нашр қилинган монографияларда акс этган. Жумладан: С.В.Киселев “Жанубий Сибирнинг қадимги тарихи” (“Древняя история Южной Сибири”), “Скифлар даврида Тоғли Олтой аҳолисининг маданияти” (“Культура населения Горного Алтая в

¹⁵¹ Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 42-43.

скифское время”), “Усть-Канская пещерная палеолитическая стоянка”, С.И.Руденконинг “Скифлар даврида Марказий Олтой аҳолисининг маданияти”.

Кейинги йилларда ҳам Олтой ўлкасини бир қанча археологик олимлар А.П.Окладников, В.И.Молодин, А.П.Погожев, Е.М.Берс кабилар томонидан ўрганилди ва янги маълумотлар тўпланди.

Олтойликлар тарихи, археологияси ва этнографиясини ўрганишда кўлга киритилган асосий ютуқлар совет олимлари томонидан эришилган. 1920-йилларданок фуқаролар уруши тугаши билан олтойликларни ўрганиш бир қатор, жумладан Петрограддаги марказий илмий муассасалар тадқиқотлари режасига киритилади. Олтойликларни СССР ФА, Давлат Университети (этнография бўлими), моддий маданият тарихи Академияси, кўплаб этнография музейлари ўрганишни бошлайдилар. Марказий илмий муассасаларнинг режаси ва дастурига кўра экспедиция ҳамда илмий тадқиқотлар йўли билан олтойликларни ўрганишнинг амалга оширилиши натижасида ажойиб натижаларга эришилди. Олтойликлар тарихи ўз навбатида совет даврида, хусусан этнографлар ва археологларнинг қўшма ҳаракатлари натижасида амалга оширилди.

Дунё аҳамиятига молик ёдгорликларнинг очилиши билан боғлиқ катта муваффақиятлар Олтой археологияси улушига тўғри келади. Кенг ҳажмли археологик материаллар Олтой аҳолисининг узок ўтмишини тиклаш учун қимматли манба сифатида кўрилган ва тадқиқ этилган эди. Бу борада археологлар М.П.Грязнов, Г.П.Сосновский ва С.В.Киселев кўплаб ишларни амалга оширишган¹⁵².

¹⁵² Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР, Москва-Ленинград, 1953, стр. 42-43.

Хулоса.

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиш ортиб бормокда. Бу – табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди. Зеро, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади¹⁵³.

Атрофимизда жойлашган баъзи давлатлар ва миллатларнинг вакилларида ҳам бизлар қатори ўз тарихларини бошқатдан ўрганиш, чуқурроқ ўрганиш туйғуларини сезиш мумкин. Ҳар бир халқ ниманидир ўзининг миллий ифтихори деб билади. Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз.

Шунинг учун тарихчи олимларимиз, ҳар бири турли тушунча, муайян қарашга эга бўлишидан қатъи назар, бир жойга тўпланиб, баҳс юритиб, бир хулосага келишлари керак. Саклар, массагетлар, сўғдлар, бактрияликлар деган турли ибораларнинг орқасидан қувиб юриш ўрнига, тарихчиларимиз миллатга унинг ҳаққоний тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак. Зотан, тарих – халқ маънавиятининг асосидир¹⁵⁴.

Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Масалан, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган,

¹⁵³ Ислом Каримов. Биз келажагимизни уз кулимиз билан кураимиз. Т.: Маънавият, 1999, 132-б.

¹⁵⁴ Ўша асар. 146-б.

нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз.

Марказий Осиё халқлари этник тарихида Олтой халқларининг ўрни бугунги кунгача мунозарали мавзулардан бири бўлиб келмоқда. Мазкур мавзунини атрофлича ёндашув орқали тадқиқ этиш зарурий эҳтиёжлардан бирига айланди. Зеро, бугунги кунда дунёда этник ўзликни англаш, маданиятлараро интеграциялашув жараёнларнинг жадаллашуви мазкур мавзуга такрор мурожаат этишга ундамоқда¹⁵⁵.

Мазкур битирув малакавий ишнинг мавзуси Олтой халқлари тарихининг археологик тадқиқотлари тарихшунослиги деб номланар экан, аввало унинг биринчи бобида Олтой халқлари билан яқиндан таништирилди. Кўриб ўтганимиздек, олтойликлар (туркчадан алтай-киши) Олтойдаги турк халқи бўлиб, руслар уларни «тоғ қалмиқлари» ёки «олтой ёки бий қалмиқлари» деб ҳам аташади. Олтойликлар Олтой бўйлаб жойлашувига қараб 8 га бўлинадилар: олтойликлар (олтой-кижи), теленгитлар, телеслар, тубаларлар, челканлар, кумандинлар, телеутлар, шорцлар ва ўз навбатида улар шимолий ҳамда жанубий олтойликларга ажратилган. Олтой ўлкаси ва унинг аҳолиси тош давриданок ўзининг кўргонлари ҳамда ўрта асрларда хоҳ у Уйғур хонлиги ёхуд у Мўғуллар давлатида бўлсин ўша даврга оид моддий ёдгорликлари билан ўзига хос маданиятига эга халқ сифатида намоён бўлади.

Иккинчи бобда эса битирув малакавий ишнинг мазмунини ёритувчи Олтой тарихшунослиги, яъни Олтой тарихи, археологияси ва этнографиясининг ўрганилиши ҳамда Совет даври ва Ғарб олимларининг Олтой тарихшунослигида олиб борган фаолиятлари ёритилиб берилади.

Олтойнинг туркийзабон қабилалари ўтмишда ўзининг ёзма ёдгорликларига эга бўлмасалар ҳам улар тўғрисида қимматли маълумотлар учрайдиган бир қатор манбалар – хитой, византия, форс, рус ва бошқалар мавжуд.

¹⁵⁵ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 176 б.

Шунингдек олтойликлар ҳаётини тарихий жihatдан ўрганишда бирламчи ҳисобланган археологик ҳамда этнографик маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. XIX асрнинг 20-30-йилларида ботаниклар Ледебур ва Бунге ҳамда геолог Гельмерсен олтойликларни этнографик ўрганишни бошлашган бўлишса, Олтой археологиясининг ўрганилиши бўйича В.В.Радлов томонидан биринчи марта катта қўрғонларни қазилар ишлари олиб борилган.

Олтой ўлкаси мавзусида кўплаб рус ҳамда ғарб олимлари тадқиқот олиб боришган ва улар кўпинча олтойликлар орасида расмий фан вакиллари сифатида эмас, балки объектив кузатувчилар сифатида иш олиб боришган. Шулар каторига археологлар М.П.Грязнов, Г.П.Сосновский, С.В.Киселев, С.И.Руденко, Л.П.Потапов Г.П.Сергеев, Г.П.Сосновский, немис географи А.Гумбольдт ва бошқаларни киритиш мумкин.

Олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилган бундай аниқ этнографик кузатувлари ҳамда тадқиқотлари олтойликларни ўрганишда фанга катта хизмат қилган. Улар моҳиятан олтойликлар тарихи ва уларнинг маданиятини ўрганиш учун қимматли манба бўлиб хизмат қилди ва уларнинг тўплаган маълумотлари асосида мазкур битирув малакавий ишда Олтойнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини қисқача ёритишга ҳаракат қилинди. Олтойнинг тарихийлик жихатидан ўрганилганлиги Ўрта Осиё шарқий қисмининг маданияти тарихида аҳамиятга молик ҳисса бўлиб қўшилган деб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қадимги Олтой рус тарихчи ва археолог олимлари томонидан кўп маротаба ўрганилган бўлсада, юқорида кўриб чиқилган маълумотларга кўра бу қадимий ўлка янада кўпроқ тадқиқотларни талаб қилувчи долзарб мавзудир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.: Маънавият, 1999. 410 б.
2. Каримов И. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт, маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.: Ўзбекистон, 2003, 319 б.
3. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: Ўзбекистон, 1995, 278 б.
4. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўк. Т.: Шарқ, 1998.
5. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008, 176 б.
6. Алтай в эпоху камня и раннего металла. Барнаул, 1985, стр. 207.
7. Анохин А.В. Материалы по шаманству у алтайцев. Л.: Рос. Акад. наук, 1925, стр. 245.
8. Бартольд В.В. Алтай. Сочинения. Том III. М., 1963.
9. Бартольд В.В. Алтайцы. Сочинения. Том V. М., 1963.
10. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Л.: АН СССР, 1927, стр. 256.
11. Бичурин(Иакинф) Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М-Л.: Изд-во Акад. наук СССР, 1950-1953, стр. 458.
12. Вербицкий В. Алтайские инородцы. Сборник этнографических статей и исследований. М., 1983.
13. Владимирцов Б.Я. Общественный строй монголов. Л.: Изд-во АН СССР, 1934, стр. 233.
14. Гумылёв Л.Н. Қадимги турклар. Т.: Фан, 2007, 575 б.
15. История Алтая. Часть I. Барнаул: АГУ, 1983, стр.184.
16. Киселев С.В. Саяно-Алтайская археологическая экспедиция 1935 г. Сов. археология, № 1, 1936, стр. 284.

17. Кубарев Г.В. Культура древних тюрок Алтая(по материалам погребальных памятников). Новосибирск, Рос. Акад. Наук Сибирская отделение институт археологии и этнографии, 2005, стр.120.
18. Миллер Г.Ф. История Сибири. М.: Восточная лит-ра, 1999, стр. 630.
19. Потанин Г.Н. Материалы для истории Сибири. Чтения, книга 4-я, 1866, стр. 372.
20. Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. Л.: Наука, 1991, стр. 319.
21. Потапов Л.П. Краткий очерк культуры и быта алтайцев. М.: Облнациздат, 1948, стр. 218.
22. Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. М-Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1953, стр 444.
23. Потапов Л.П. Очерки по истории Шории. М-Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1936, стр. 260.
24. Потапов Л.П. Этнический состав и происхождение алтайцев. М.: Наука, 1969, стр.196.
25. Руденко С.И. Культура населения Горного Алтая в скифское время. М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1953, стр. 404.
26. Спасский Гр. Телеуты, или белые калмыки. Сиб. вестник, ч. XIII-XIV, 1821, стр. 398.
27. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. VI том. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003, 256 б.
28. www.wikipedia.com
29. www.altairegion22.ru

Ҳимояга рухсат берилди:

Факультет декани Зиямухаммедов Ж.

(имзо)

Кафедра мудири Исҳоқов М.

(имзо)

Ўқув-услубий бўлим бошлиғи

Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти
“Марказий Осиё халқлари тарихи” кафедраси IV курс бакалаври
Саматова Лола Юсуповнанинг “Олтой халқлари тарихининг
археологик тадқиқотлари тарихшунослиги” номли битирув малакавий
ишига

Тавсиянома

Саматова Лола Юсуповнанинг “Олтой халқлари тарихининг археологик тадқиқотлари тарихшунослиги” номли битирув малакавий ишни ёзишни мақсад қилиб қўйган. Ушбу мавзу ўта долзарблиги билан ажралиб туради, мавзу доирасида Марказий Осиё тарихи билан чамбарчас боғлиқ тарихга эга Олтой халқларининг тарихшунослиги ёритиб берилган Мавзуни ўрганишда талаба битирув малакавий иш доирасида қўйилган мақсад ва вазифаларни манбалар асосида очиб беришга ҳаракат қилган. Талаба ўзининг малакавий ишида мавзуни ўрганишда муҳим маълумотларни тўплаган ва манбалардан унумли фойдаланган. Талаба битирув малакавий иши доирасида ўз олдига қўйган мақсадга илмий асосланган тарзда ёндашган. Битирув малакавий ишда жуда кўп қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Ҳар бир ишда бўлгани каби ушбу битирув малакавий ишда ҳам айрим техник ва орфографик хатолар учраб туради. Иш доирасида қўйилган мавзу бугунги кунда Иш адабиётлардан унумли фойдаланилган ҳолда ёзилган бўлиб бакалаврлик илмий даражасини олиш учун етарли даражада таҳлил қилиб ёзилган деб ҳисоблаймиз.